Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 144 (9640). • 1989 йил 4 август • жума • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Олий Совети шуни қайд этадики, маҳаллий Советларнинг амалдаги ҳуқуқларини кенгайтириш, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари билан, тегишли ҳуқуқ тартибот ўрнатиш, давлат ва жамоат интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ жуда муҳим масалаларни ҳал этишга нисбатан уларнинг эътиборини кучайтириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришни жадаллаштириш қайта қуриш шароитида хўжаликни ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун пайдо бўлган имкониятлардан тўлатўкис фойдаланишга, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг барча резервларини ўзлаштиришга кўмаклашиши, социал-иқтисодий, экологик ва миллатлараро муносабатлардаги кескинликни бартараф этишга ёрдам бериши керак.

2. СССР Олий Совети шу мақсадда 1989 йилнинг августсентябрь ойларида халқ депутатлари Советларининг навбатдан ташқари сессияларини ўтказишни тавсия этади. Уларда Советларнинг ижроия органлари билан фармойиш берувчи органларининг ҳисоботлари тингланади. Мана шу сессияларда ҳар бир республика, ўлка, область, автоном областда, автоном округда, район, шаҳарда вужудга келган конкрет вазият ҳар томонлама таҳлил этилсин, белгиланган социал-иқтисодий программалар қандай бажарилаётганига, тегишли Советлар қарамоғидаги ташкилотлар ва хизматларнинг структураси ҳамда фаолиятини қайта қуришга, одамларнинг қайта қуришга бўлган ишончига путур етказаётган нарсаларнинг ҳаммасини қатъиян бартараф этишга алоҳида эътибор берилсин.

Қишлоқ, посёлка Советларидан бошлаб халқ депутатлари Советларининг сессияларида ижроия органлар билан фармойиш берувчи органларнинг ҳисоботларини ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин, сессияларни тайёрлашга меҳнат коллективлари, жамоатчилик ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар, гражданларнинг йиғинлари фаол жалб этилсин. Советларнинг меҳнаткашлар билан алоқалари ва баҳамжиҳат ҳаракати доимо мустаҳкамлансин, етилган масалаларни ҳал этиш имкониятларини биргаликда қидириб топиб, йўлга қўйилсин ва совет давлат ҳокимияти ваколатли органларининг амалий ишлар тўғрисида аҳоли кенг хабардор қилиб турилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1989 йил, 1 август.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 31 июлдаги мажлисида иттифоқдош республикалар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг бўлиб ўтган кенгашига якун ясалди. Кенгаш партия ички турмушини фаоллаштириш, КПССнинг қайта қуришнинг боришига таъсирини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. М. С. Горбачев докладида ижтимоий сиёсий вазиятга, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ўзгартиларга берилган баҳо, ҳозирги даврда КПССнинг роли тўғрисидаги ғоялар ва хулосалар принципиал характерга эга бўлиб, партиянинг совет жамияти сиёсий авангарди сифатида обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган. Кенгаш қатнашчилари партия ишини такомиллаштириш, бўлажак ҳисобот сайлов кампаниясини ўтказиш, КПССда демократик асосларни ривожлантиришга доир бир қанча таклифларни айтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси кенгашда айтилган, КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель пленуми якунлари юзасидан ишлаб чиқилган ҳаракат программасига мос келадиган таклифлар ва мулоҳазаларни амалга ошириш тадбирларини маъқуллади.

Мажлисда мамлакатнинг бир қанча регионларидаги, аввало кўмир саноати корхоналаридаги меҳнат коллективларида вужудга келган социал-иқтисодий вазият тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кўмир қазиб чиқарувчи районларда кўп йиллар давомида жиддий социал-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолганлиги таъкидланди. Меҳнат коллективлари, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари бу муаммоларнинг ҳал қилинишини корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигидан кенг фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлашга ва социал соҳани ривожлантиришга маблағни коллектив ишлаб топиш принципини амалга ошириш билан боғламоқдалар.

Шу билан бирга, сўнгги вақтдаги воқеалар кўрсатганидек, ишчилар ўртага қўйган кўпгина талаблар жойларнинг ўзида, жумладан, иш ташламасдан, меҳнат коллективларининг ўзлари маъмурият ва касаба союзлари билан биргаликда амалга оширишлари мумкин эди. СССР Министрлар Совети ҳукумат комиссияси ва ишчи коллективлари вакилларининг биргаликда қабул қилган қарорларини бажариш чора-тадбирларини кўраётганлиги уқтирилди.

Сиёсий бюро 1989 йилда партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларни ўтказиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Устави ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси тавсияларига мувофиқ ҳисобот ва сайловлар партия группаларида, партия аъзолари 15 тадан кам бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида ўтказилади. Сайлаб қўйиладиган раҳбар партия органларининг, жумладан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари бюроларининг ҳисоботларини партия комитетларининг пленумларида ва бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бўлажак ҳисобот ва сайловлар партиянинг фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида, партия ташкилотлари ва комитетларининг иши форма ва методларини янгилашда, шу асосда иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда муҳим роль ўйнаши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳисобот ва сайловларни партия йиғилишларида партиясизларнинг иштироки билан, кенг ижтимоий ошкоралик, ўртоқларча мунозара вазиятида ўтказиш вазифаси қўйилди. Қайта қуриш, партия ички турмушини демократиялаш вазифаларини амалга ошириш ишини батафсил, партиявий принципиаллик билан таҳлил этиш муҳимдир. Йиғилишлар, пленумлар чоғида сайлаб қўйиладиган органлар составини янгилаш ва агар коммунистлар зарур деб ҳисобласалар, кадрлар масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарор матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг ВСИП раиси Р. Ньерш ва ВСИП Бош секретари К. Грос билан суҳбати якунлари кўриб чиқилди. Учрашув КПСС билан ВСИПнинг ўртоқларча ҳамжиҳатлигини, уларнинг барча соҳаларда Совет—Венгрия ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга содиқлигини, иқтисодий алоқалар муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга тайёрлиғини намойиш қилганлиги уқтириб ўтилди. Марказий ва маҳаллий органлар даражасида КПСС ва ВСИП партияларараро алоқаларини такомиллаштириш, иккала мамлакат жамоатчилиги алоқаларини кенгайтириш ва бошқа масалалар юзасидан эришилган аҳдномалар руҳида топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг амалий таклиф билан СССРга келган Мўғулистон Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Батмунх билан суҳбати якунларини маъқуллади. Социалистик янгиланиш муаммоларига совет ва мўғул ёндашувларининг умумийлиги, Осиё — Тинч океан регионида ва бутун дунёда халқаро ривожланишнинг боришига қарашларининг бирлиги мамнуният билан таъкидланди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Ҳиндистон Республикаси Бош министри Р. Ганди билан учрашуви, шунингдек Э. А. Шеварднадзенинг Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао билан СССРга Ҳиндистон раҳбарининг дўстона амалий ташрифи доирасида бўлиб ўтган суҳбати якунлари кўриб чиқилди. Фикрлашув халқаро турмушнинг асосий муаммолари юзасидан иккала мамлакат позицияларининг ўхшашлиги ёки яқинлигини тасдиқлаганидан мамнунлик билдирилди. Иккала мамлакатнинг Деҳли декларацияси негизида изчиллик билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиши халқаро иқлимни, шу жумладан Осиё-Тинч океан регионида халқаро иқлимни соғломлаштиришга, хусусан регионал можароларни ҳал қилишга ижобий таъсир қилмоқда. Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятни нормаллаштиришга иккала мамлакат қарашларининг умумийлиги таъкидланди, Афғонистоннинг ички ишларига чет мамлакатларнинг аралашуви давом этаётганлиги қораланди.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Камбоджа муаммосини сиёсий йўл билан узил-кесил ҳал қилиш иши ривож топишига бутун чоралар билан кўмаклашмоқдалар. Ҳиндистон билан ҳар томонлама дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш йўли Совет ташқи сиёсатининг устун йўналишларидан бири бўлиб қолаётганлиги тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Е. К. Лигачевнинг КПСС делегациясининг Я. Кадарни дафн этишда иштирок этиш учун Венгрия Халқ Республикасига қилган сафари ҳамда унинг Венгрия раҳбарлари билан суҳбатлари якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади ва маъқуллади. Венгриянинг атоқли партия ва давлат арбоби билан видолашув унга чуқур ҳурматнинг ифодаси, ВХРдаги социализм ғояларини қўллаб-қувватлаш намойишига айланди.

А. В. Власовнинг Никарагуада сандиночилар революциясининг 10 йиллигига бағишланган тадбирларда Совет делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Делегациянинг Никарагуа президенти Д. Ортега билан музокаралари натижалари маъқулланди, делегация Никарагуа президенти Д. Ортегага М. С. Горбачевнинг шахсий мактубини топширди.

Сандиночилар миллий-демократик революциясининг мухолифликдан мулоқотга, янада демократиялашга ҳамда миллий яраш йўлига ўтиш мамлакатнинг ўткир социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излаш билан тавсифланувчи янги, тинч босқичга иккала томоннинг қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро Ю. Д. Маслюковнинг Германия Демократик Республикасига амалий ташрифи натижаларини маъқуллади, бу ташриф давомида икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ҳамда келгуси беш йилликда СССР ва ГДР давлат планларини мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро Ю. Д. Маслюковнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи тўғрисидаги ахборотини эшитди. Ўтказилган музокаралар натижасида икки томонлама ҳамкорликнинг самарали воситаларини пухталаштириш юзасидан аниқ-равшан тадбирлар белгиланди.

МУАММОЛАР ЖОЙЛАРДА ВА МАРКАЗДА ҲАЛ ЭТИЛСИН

Шу йилнинг бошидан бўёнгина Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига республика меҳнаткашларидан салкам ўн тўрт мингта хат келди, олти ярим мингдан зиёд киши бу ерга шахсан мурожаат қилди. Хатларни, оғзаки мурожаатларни таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Комитетга йўлланаётган илтимослар, аризалар ва шикоятларнинг кўпчилигини жойларда, яъни мурожаат этган кишилар истиқомат қилаётган шаҳарлар, посёлкалар ва районларда бемалол ҳал этса бўлур эди.

1 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашга саноат корхоналарининг раҳбарлари, завод ва фабрикалар партия ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетларининг раислари, жойларда совет ҳокимияти органларида ишлаётган коммунистлар таклиф этилдилар. Мана шу кенгашда меҳнаткашларнинг талаблари ва мурожаатларига ким ва қандай муносабатда бўлаётгани, раҳбарлар ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари меҳнати ва дам олиши учун нормал шароитлар яратиш йўлида нималар қилаётгани ҳақида рўй-рост, ниҳоятда ошкора суҳбат бўлди.

Фарғонадаги фожиали воқеалар ҳали ҳамманинг хотирасида турибди. Бу ерда экономиканинг кризисли ҳолати, меҳнаткашлар турмуш даражасининг пастлиги, ишчи кучларининг ошиб-тошиб ётганлиги бунинг энг асосий сабабларидан бири бўлганлиги сир эмас. Мана шундай барча таҳдидли омилларга қарамай, ғоят хилма-хил даражалардаги кўпгина раҳбарлар ўзларини ҳаддан ташқари беғам тутдилар. Одамларнинг талаб-эҳтиёжларига нисбатан лоқайдлик, бепарволик, уларнинг илтимосларини бажаришда бамайлихотирлик аланга олиб кетган бир боғ похол бўлди.

Аммо, корхоналар, партия ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бундай иш услуби фақат шу регионнинг ўзигагина ҳосми? Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов гражданларнинг Марказий Комитетга юборган бир қанча хатини ўқиб эшиттирди. Квартира капитал ремонтдан сўнг... яна ремонтталаб. Нарх-навонинг баландлиги, чайқовчиларнинг ҳаддидан ошиши одамларнинг тинкасини қуритмоқда, пенсияларни тайинлаш масалалари адолатсиз ҳал этилмоқда... деярли ҳар бир хатда шундай изоҳ бор: «бундай маиший турмуш масалалари билан шуғулланиш Марказий Комитетнинг иши эмаслигини тушунамиз. Аммо, биз бунгача

(Давоми 4-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

Буюк Британия, ГФР ва Францияга сафарлар якунлари ҳамда Варшава Шартномасига аъзо давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашидаги иштироки тўғрисида сўзлаган

НУТҚИ

Ташқи сиёсат соҳасидаги сўнгги тадбирлар хусусида Олий Советга ахборот бериш ғоясини депутатлар киритган эдилар. Бу фикр биринчи бор СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида айтилган эди. Назаримда, ана шундай нутқлар фақат анъанагина эмас, қоида, шарт бўлиб қолиши керак. Бу менинг биринчи нутқимдир.

Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва Францияга сафарлар чоғида кўриб чиқилган барча муаммоларнинг қандайдир ҳисоб-китобини қилиб, сизга тақдим этишим керак деб ўйламайман. Ҳузурингизда йирик масалалар хусусида фикр-мулоҳаза юритишни истар эдим — бу уч сафар шундай имкониятни беради.

Аввало, бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Барча халқаро ишларимизнинг негизи — янгича фикрлаш ва Совет давлати ташқи сиёсий йўлининг янги асосларидир. Эндиликда буларни халқ депутатлари съезди тасдиқлади ва улар қонун кучига эга бўлди. Улар съезд қабул қилган қарорнинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Янги ташқи сиёсат билан мамлакат ичидаги қайта қуриш чамбарчас боғланган десам, сиз, албатта бу фикрга қўшиласиз. Бизнинг халқаро майдондаги бутун фаолиятимиз ана шу негизга қурилган. Шуни таъкидлашим керакки, сайлов кампанияси чоғида ва съезднинг ўзида гарчи халқаро сиёсатимиз кенг кўламда муҳокама қилинмаган бўлса ҳам, ушбу сиёсат қўллаб-қувватланганлигига эътиборни қаратган бўлсангиз керак.

Ички муаммолар билан нечоғли банд бўлмайлик, худди ана шу ички муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун ташқи сиёсат қанчалик аҳамиятга эга эканлигини эътиборда тутишимиз керак. Уруш хавфининг сусайганлиги ва ташқи хавфсизлигимизнинг мустаҳкамланганлиги, фақат бизнинг манфаатларимизгагина жавоб бериб қолмайдиган йўсинда Совет давлатини чет элда янгича идрок этиш ана шу сиёсат натижалари-ку, ахир. Бу — ички планларимизни амалга ошириш учун яхши шарт-шароитдир, бу экономика, социал соҳа, маданият ва идеологияда жамиятимиз қайта қуриш йўлидан жадалроқ ва ишончлироқ одимлаб бораверишни учун, қарорлар қабул қилиш учун энг яхши шарт-шароитдир. Хуллас, сиз билан биз ҳозир совет жамиятини янгилаш юзасидан инқилобий ва кенг кўламли вазифаларни уддасидан чиқиш учун қулай ташқи шарт-шароитларга, ҳойнаҳой илгари сира бўлмаган бир тарзда муҳтождирмиз.

Шундай қилиб, ташқи сиёсатда **бутун совет халқининг** ҳаётий манфаатлари муштараклиги жам бўлиб турибди. Ушбу сиёсат барча давлат органларимиз, жамоатчилигимиз ва бутун халқнинг доимий диққат-эътиборини ва анчагина кучғайратини талаб қилмоқда. Бу сиёсат билан ғоят жиддий шуғулланишга тўғри келаяпти.

Ташқи сиёсий ишларнинг устиворлиги ортиб кетмаяптими, бу сиёсатга жуда кўп вақт ва куч-ғайрат сарфланмаяптимикан, деган гапларни кўпинча эшитишга ва ҳатто ўқишга тўғри келмоқда. Назаримда, депутат ўртоқлар, сиёсатнинг ана шу йўналишида «тежамкорлик қилиш» ва айниқса **ички ва ташқи** сиёсатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш мумкин эмас. Кундалик юмушларимиз кўп, албатта, вазиятнинг ўткир бўлиб турганлиги ҳамиша бизга таъсир этмоқда. Аммо шунга қарамасдан мамлакат ичидаги худди ўша қайта қуриш сиёсати учун халқаро фаолиятнинг муҳимлигини назардан қочирмаслигимиз керак. Агар бирор-бир кимса эски ақидаларга ёпишиб олиб, жаҳон жараёнидан четда турган бўлса тургандир, лекин Совет Иттифоқи бундай жараёндан четда тургани йўқ. Шундай қилинса, мамлакат фан ва техника соҳасида қолоқликка, экономика соҳасидаги қолоқликка, халқ фаровонлиги даражасидаги қолоқликка албатта маҳкум бўлур эди. Ва биз етилган, бир қанча ҳолларда эса етилиб ўтиб кетган ўз ички вазифаларимизни ҳал эта олмаймиз. Биз жаҳондаги ўз мавқеимизни сақлаб қолиш истиқболини бой берган бўлур эдик. Ушбу истиқбол фақат нуфуз масаласигина эмас, жаҳон ривожидаги умуминсоний тараққиётда бизнинг ўрнимиз тарихий жиҳатдан тақозо этилгандир. Агар СССР неча ўн йиллар мобайнида қандай бўлса шундай қоларверса, қайта қуриш рўёбга чиқмаса, XXI аср цивилизациясига ўтиш мумкин бўлмай қоладди. Шундай қилиб, фақат ички эҳтиёжларимиздангина эмас, ҳозир сиз билан биз яшаётган ва ўзгариб бораётган дунёдан ҳам омилар бахш этилмоқда.

Биз ўзимизнинг ташқи сиёсатимизни, жумладан Европадаги энг йирик уч давлатга яқинда қилган ташрифимизни ва Бухарестда ўзимизнинг социалистик иттифоқдошларимиз билан учрашувни худди ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз керак.

Яна бир карра шуни айтмоқчиманки, ана шу халқаро тадбирлар тўғрисида ахборот матбуотда эълон қилинган эди. Умидворманки, истаги бўлган одам ана шу ахборот билан танишган. Бу мени ахборотлар мазмунини баён этиш заруратидан ва яна воқеалар солномасига риоя этишдан, тафсилотларни айтишдан холи қилади. Мен фикримни жамламоқчи бўлган асосий масала — бу баҳолар ва хулосалардир. Ана шу сафарлар ва учрашувлардан олган муҳим таассуротларни ҳам тилга олмоқчиман.

Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва Франция сафарлар тўғрисида. Иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан бу мамлакатларнинг ҳаммаси ҳозирги дунёдаги энг йирик давлатларандир. Шулардан иккитаси ядро қуролига эга бўлган давлатлар ва БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидир. ГФРда НАТОнинг жуда катта ядровий ва ноядровий потенциали тўпланган. Ана шу барча давлатларнинг Европа ва жаҳон сиёсатини шакллантиришдаги роли ҳам жуда каттадир.

Ташрифлар жуда масъулиятли, айтиш мумкинки, жаҳон тараққиётидаги бурилиш палласида ҳамда социалистик дунёдаги теран ўзгаришлар даврида бўлди. Бу сафарлар январь ойида Венада якунловчи ҳужжат қабул қилинганлиги, Европада оддий қуроллар ва қуролли кучлар юзасидан музокаралар бошланганлиги, маълум танаффусдан кейин АҚШ маъмурияти ва шунга кўра НАТОнинг ҳам ташқи сиёсий фаоллиги яна тикланганлиги билан боғлиқ бўлган муҳим сиёсий жараёнлар чоғида кечди.

Ушбу ташрифлар айни шу вақтда ўтганлигининг аҳамиятини изоҳлаб берадиган яна бир омил бор. Ғарбий Европа ҳозир биз билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик зарурлигини англаб олиш йўлидан тезроқ ҳаракат қилмоқда, реалликлар ва манфаатлар мувозанатини ҳисобга олиб, ҳар қандай муаммоларни муҳокама қилишга мухолифлик ёндашувларини бартараф этишга тайёрдир.

Буюк Британия, ГФР ва Франция раҳбарияти билан музокаралар, жамоатчилик, оддий гражданлар билан учрашувлар туфайли шунга ишончимиз комил бўлдики, ҳозирги Европа бундан бир неча йил илгариги Европа эмас. Ҳозирги алоқаларимизни яқин ўтмишда худди ана шу даражада ўтган алоқалар билан таққослар эканмиз, бизнинг Ғарб дунёси билан муносабатларимиз нечоғли тез ўзгараётганлигини ҳис этамиз. Европа ва жаҳоннинг келажаги хусусида аниқ-равшанлик кўпроқ, эътибор кўпроқ, очиқ-ойдинлик кўпроқдир. Энг асосийси — муносабатларнинг мазмуни теранлашмоқда. Биз бунга Лондонда ҳам, ГФРнинг ҳамма жойларида ҳам, Парижда ҳам, айтиш мумкинки, бутун Ғарбий Европа жам бўлган Страсбург шаҳрида ҳам ишонч ҳосил қилдик. Учрашувлар руҳига йил ўтган сайин биз бир-биримизни яхшироқ билиб олаётганимиздек оддий ҳолат ҳам таъсир этди. Ҳозир ҳаммага шу нарса равшан бўлиб қолдики, шахснинг ўзи ҳозирги сиёсатда жуда катта аҳамиятга эгадир. Эндиликда бу барча уч пойтахтда Европа жараёнининг зарур таркибий қисми сифатида қабул қилинди.

Олий даражадаги учрашувлар ва умуман сиёсий даражадаги учрашувларнинг янги сифати, равшанки, ҳамма мамлакатларда бир хил эмас. Лекин ҳеч қаерда орқага қараб кетиш йўқ.

Жамоатчиликнинг кайфияти ташрифлар характерига жуда катта таъсир ўтказди. Бу ўринда ҳатто бизга таниш кенг омма атамасини қўллашим ҳам мумкин, лекин бўлган гапни айтаман. Учала мамлакат гражданлари хушнудлик билан кутиб олганликлари бизни хурсанд қилди. Одамларнинг хулқ-атвори, ўз ҳис-туйғуларини изҳор этиш тарзининг ҳар бир шаҳарда ўзига хос жилвалари бор эди, албатта. Аммо ҳамма ерда, айниқса ГФРда кўп йиллардан бери бизни ажратиб турган ғов гўё қулагандек бўлди, деган таассурот қолди.

Ҳис-туйғулар гулдастаси қизиқиш, меҳр ва хайрихоҳликдан таркиб топди, душманлик ва ғанимлик йўқ эди. Мен сизларга ана шу таассуротни таъкидлаб айтмоқчиман. Ана шу таассуротнинг ўзигина кўпгина сиёсий қарорлар, имзоланган шартномалар аҳамиятидан афзал турди. Биз Европадагина эмас, бошқа жойларда ҳам тарихнинг туб бурилишини таъминлашга ҳақиқатан ҳам қодир бўлган яхши қўшничилик потенциалини бутун ўлканлиги билан ҳис этдик.

Буларнинг ҳаммаси қайта қуришимизнинг халқаро аҳамияти тобора теранроқ тушуниб олинаётгани билан боғлиқдир. Чет элларда мамлакатимизни идрок этишга сайлов ва халқ депутатлари съезди, янги Олий Советнинг биринчи сессияси жуда кучли таъсир кўрсатди. Кремлда олиб борилган ва ҳозир ҳам олиб борилаётгган иш, худди ана шу иш ҳатто ҳар бир нарсага шубҳа билан қаровчиларни ҳам мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва миқёсига, ниятларимиз ва ишларимизнинг жиддийлиги ва амалийлигига ишонтирмоқда.

Биз шуни ҳис этдикки, ҳозир жаҳон аҳли бизга ялписига синчков назар ташлаётган экан, бу жўн масала эмас. Бу гуллаб-яшнаган Совет Иттифоқисиз ҳозирги дунё мукаммал бўлмаслигини англашдир.

Бу ўринда бошқа сабаб ҳам таъсир этмоқда. Ҳозир Европада ядро уруши хавфи ўтмишда қолди, деган ялпи тийғу жуда кучли. Бундан бир мунча вақт муқаддам пайдо бўлган умид дунёни сақлаб қолиш мумкин, Шарқ билан Ғарб мамлакатлари ўртасида нормал, маданиятли муносабатлар рўёбга чиқади, деган ишончга айланмоқда. Ақл-идрокни карахт қилиб қўядиган доимий уруш хавфидан холи бўлинаётган экан, аввало, буни бизнинг хизматимиз деб билишмоқда, буни Совет Иттифоқидаги қайта қуриш билан, янгича фикрлаш билан боғлашмоқда.

Хуллас, биз ижтимоий халқаро онгда жуда катта бурилиш самараларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ташрифларимиз чоғида бу самаралар яққол намоён бўлди ва бу ҳозир жаҳон жараёнидаги фавқулодда муҳим омилдир.

Учта пойтахтдаги сиёсий мулоқот ва музокараларнинг асосий мавзулари қуйидагилардан иборат бўлди: ҳозирги дунёнинг аҳволи ва жаҳоншумул муаммоларни (дунёдаги хўжалик муаммолари ва регионлардаги муаммолар ҳам шу жумлага киради) ҳал этиш истиқболлари; хавфсизлик ва қуролсизланиш; Умумевропа бунёдкорлиги; СССРдаги қайта қуриш шароитида икки томонлама муносабатлар. Олимлар билан мулоқот чоғида ҳам ана шу муаммолар тилга олинди. Табиий, ҳаётда бўлганидек, ана шу масалаларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди.

Шуни айтишим жоизки, фалсафий жиҳатдан бизнинг таҳлилимиз ва фикр-мулоҳазаларимиз тобора аниқроқ уқиб олинаётганини кўрдик. Бизнинг назаримизда, бу объектив вазиятни, яъни ҳозирги дунё тобора бус-бутун бўлиб бораётганини, Европа ва инсоният тақдирларининг муштараклигини акс эттирди.

Қарашлар ва баҳолар нечоғли ўзига хос бўлмасин, жаҳон сиёсатига бевосита дахлдор бўлган концептуал масалалар: давлатлараро муаммолар ва зиддиятларни ҳарбий йўсинда ҳал этишнинг номақбуллиги ва бемаънилиги; умуминсоний қадриятларнинг афзаллиги; ўз йўлини ўзи эркин танлаб олиши; қурол-яроғлар даражасини камайтириш ва ҳарбий қарама-қаршиликни тугатиш; Шарқ ва Ғарбнинг иқтисодий кўникиши ва экология соҳасидаги кучғайратларни бирлаштириш зарурлиги; сиёсат ва маънавият ўртасидаги боғлиқлик, сиёсий жараёнда инсонпарварлик омили ва маданий омилнинг роли; турли давлатлар гражданлари ўртасидаги бевосита алоқанинг аҳамияти — худди шу масалаларда ўхшашлик борлигини қайд этиш мумкин, деб ўйлайман.

Муҳокама қилинган муаммолар мундарижаси ва муҳокама кезида эришилган ҳамжиҳатлик даражаси шундан далолат бериб турибдики, янгича фикрлаш халқаро сиёсат сари йўл очиб бормоқда. Бу энди фақат фалсафа эмас, реал сиёсат ҳамдир.

Бу борада Боннда имзоланган қўшма баёнот принципиал аҳамиятга эгадир. Бу икки турли система ва икки иттифоққа мансуб бўлган Европадаги икки йирик давлат жаҳондаги ўзгаришларни фалсафий жиҳатдан идрок этиб, ўз сиёсатининг мақсадларини биргаликда белгилаб олган биринчи ҳужжатдир. Ушбу ҳужжатнинг босқичларга татийдиган моҳияти шундаки, мазкур ҳужжат иккала мамлакат халқларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, ушбу мамлакатларнинг енгил бўлмаган тарихидаги урушдан кейинги даврга чек қўяди ҳамда ишонч, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик негизида фаол, кўп қиррали ҳамкорликни назарда тутади.

Лондон, Бонн ва Парижда ўтказилган музокаралардаги келишмовчиликлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар, аввало, ядро қуролининг роли тўғрисидаги масаладир. Бу ўринда биз позицияларда ҳам, далил-исботларда ҳам ўзгача жилоларни илғаб олганлигимизни айтиб ўтишим керак. «Ядровий тийиб туриш» ғояси, чамаси, Британия раҳбариятининг вужудвужудига сингиб кетган кўринади, ГФРдагилар эса ядровий қарама-қаршилик чизиғида жойлашган мамлакатнинг аҳволи ва бу мамлакат учун ҳар қандай ядро қуролининг алоҳида хатарли эканлиги сабабли хавотирга тушиб қолишган. Франция Атлантика иттифоқидаги ўзига хос аҳволини ҳамда бу мамлакат ядро потенциали «фақат сиёсий» мақсадни кўзлаётганини ҳимоя қилмоқда. Ҳамма иттифоқчилик мажбуриятлари ҳақида гапирмоқда.

Биз оддий қурол-яроғни қисқартиришнинг қадрини туширадиган ва Европада ҳарбий қарама-қаршиликни йўқотиш вазифасига зид бўлган «ядровий тийиб туриш» стратегиясига қаршимиз, бунга эътироз йўқ, чамаси. Венадаги музокараларда чигални ёйиш учун қўшимча имкониятлар топиш учун биз ғоямизнинг босқичма-босқичли эканлигини ойдинлаштирдик. Агар НАТО мамлакатлари тактик ядро қуроли хусусида биз билан музокаралар бошлашга қарор қилганликлари аён кўринса, бу ғояни мустаҳкамлаб, Европадаги ракеталаримизни бир томонлама яна қисқартиришга тайёр эканлигимизни айтдик.

Шу муносабат билан баъзан совет кишиларида пайдо бўлаётган саволга жавоб бермоқчиман, айримлар бу саволни дангал ўртага қўйиб, бундай дейишмоқда: нўйрин қадам босиб, ножоиз ёнбосишларга йўл қўймаяпмизми? Ленинча сабоқларга суяниб, ишонч билан қўйидагиларни айтишим керак: фақат оқилона муроса йўли билангина тинч даврга, нормал халқаро муносабатларга қадам қўйиш мумкин. Назаримизда, жаҳон ҳамжамияти бунга етилди. Тажриба бизнинг баҳоимизни тасдиқламоқда. Жаҳон ҳамжамияти, «душман образидан» воз кечиши мумкин, ботиниб шуни айта оламанки, у шу образдан воз кечишга маҳкумдир. Шунинг учун ҳам «душман»нинг мақтови ҳақида жуда бошқа даврдан ва бошқа соҳадан олинган илмоқли гапларни эшитганимизда фақат афсус билан қўйидагиларни қайд этишимиз лозим бўлади: кимки, шундай деб ҳисоблаётган бўлса, қайта қуришнинг тўрт йили мобайнида ҳеч нарсани уқиб олмабди ва ҳеч нарсани ўрганмабди.

Ғарб ҳам қуролсизланиш масалаларида пешвоз чиқаётганини инкор этиш жўнлик бўлур эди. Ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартноманинг тарихий аҳамиятини ҳамма эътироф этган, ушбу шартнома ҳалол бажарилмоқда. АҚШ сўнгги уч йил мобайнида ҳарбий бюджетини кўпайтирмади, ҳозир шу мамлакат конгрессида айрим ҳарбий программаларни маблағ билан таъминлаш хусусида баҳс авж олиб кетди. АҚШ Европадан анчагина ядровий жанговар зарядларни олиб чиқиб кетди, қуролбоп плутоний ва тритий ишлаб чиқариш тўхтатилгани эълон қилинди, танк ишлаб чиқариш программаси қисқартирилди. ГФРга қарашли «Першинг-1А» ракеталари батамом йўқ қилиб юборилди. Бизнинг Европада оддий қуролларни қисқартириш тўғрисидаги таклифимизга президент Буш ва НАТОнинг жавоби муаммони ҳал этишни узоқлаштирмасдан, балки яқинлаштиради.

Ана шу масалалар хусусидаги Вена музокараларининг иккинчи давраси, айтиш мумкинки, ижобий якунланди. Биргаликда химиявий қуролни таъқиқлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишни сезиларли даражада яқинлаштиришга муваффақ бўлинди.

Буларнинг ҳаммаси жуда жиддий гаплардир. Бу ишларга етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас. АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий-сиёсий фаолияти шу билан чекланмайди, албатта. Биз ана шу фаолиятнинг тинчлик иши учун хатарли бошқа томонларини ҳам яхши кўриб турибмиз. Бунинг учун НАТОнинг Брюссель декларациясида баён этилган айрим позициялари тўғрисида эслатиб ўтиш етарлидир.

Аммо шунга қарамасдан, бошланган жараёнларга янгича сифат ҳам, иккала дунё ўртасидаги ўзаро муносабатларга янги имконият ва янги эҳтиёжлар ҳам хосдир.

Ташрифлар чоғида **Европа бунёдкорлиги** муаммолари кенг кўламда, айтиш мумкинки, комплекс ва жуда сермазмун муҳокама қилинганлиги шундан далолат бериб турибди. Қўшма Совет—Ғарбий Германия баёнотида, президент Франсуа Миттераннинг сўзларида, Страсбургдаги нутқимизга амалий жавобда «Умумевропа хонадони» ғоясига ижобий муносабат қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Бошы 1-бетда).

Социалистик давлатлардаги ўзгаришларнинг шитобли жараёнларидан фойдаланиб, ана шу давлатлардаги аҳволни беқарорлаштиришга уриниш Ғарбнинг ўзи учун номақбул ва хавфли эканлиги ўқиб олинаётгани сайин Европа муаммолари хусусидаги мулоқотнинг имкониятлари ва самараси кенгайиб бораяпти. Яна шуни айтишим керакки — сафарлар чоғидаги мунозарада бу тасдиқланди, — қайта қуришимизнинг муваффақияти — бу совет жамиятининг капитализмга айланиб кетиши эмас, биз қайта қуришни социализмни янгилаш вазифаларини ҳал эта бориб, ўз қадриятларимизга таяниб амалга ошириб келдик ва амалга оширавермиз; Ғарбдаги кўп одамлар ана шуни тобора тушуниб етмоқдалар. Страсбургда бутун дунёга эшиттирилиб, қайта қуриш муваффақият қозонадиган бўлса, жаҳон ҳамжамияти янги социалистик давлат билан муомала қилади, деб айтилди. Таъкидламоқчиманки, бу жамият янги, аммо айни вақтда **социалистик** жамият бўлади. Буни ғарбдагилар тобора тушуниб етаётганликлари кўриниб турибди. Шу хусусдаги чайқовчилик ҳам камайди. Бу осонлик билан бўлаётгани йўқ. Кўплар ана шу хулосага осонлик билан рози бўлмайдилар. Аммо халқаро жамоатчилик фикри худди ана шу йўналишда етилиб келмоқда.

Сафарлар якуни Европа хонадони тўғрисидаги тасаввурларнинг яқинлашгани ҳақида, ана шу ғоянинг реаллиги яна ҳам яққолроқ кўрингани ҳақида гапиришга имкон беради, деб ўйлайман.

Ҳозир, назаримда, Страсбургга ташрифимизнинг аҳамиятига ҳали тўла баҳо бериш мумкин эмас, чоғи. Агар мажозий маънода айтадиган бўлсак, биз муайян паллада яхлитликка эришган Ғарбий Европага бордик. Страсбург Ғарбий Европа интеграциясининг «пойтахт»ларидан биридир, бу пойтахт иқтисодий соҳа билан бир қаторда сиёсий, парламент, ҳуқуқий, маданий соҳаларни ва бошқа соҳаларни қамраб олган. Европа кенгаши парламент ассамблеясида сўзга чиқиш билан биз жуда ваколатли (23 мамлакат) ва Ғарбий Европадаги энг кўҳна сиёсий ташкилот билан олий даражада мулоқот бошладик, десак арзийди, май ойида бу ташкилот ўзининг 40 йиллигини нишонлади. Бундан ташқари, Европа парламенти (12 мамлакат) Страсбургда жойлашган, шу парламент аъзолари ҳам учрашувга таклиф этилган эди.

Тан олиб айтишим керакки, у ерда бизни хушнудлик билан кутиб олишгани, нутқларда ва суҳбатларда бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз хусусида айтилган жавоблар, Европа бунёдкорлиги муаммоларини биз билан амалий муҳокама этиш истаги — буларнинг ҳаммаси делегациямиз учун қатто бир қадар кутилмаган бўлди. Шундай қилиб, биз мамнуният билан шуни қайд эта оламизки, Страсбургда Умумевропа жараёни ҳаётийлиги ва истиқболи хусусида ишончли далолатни кўрдик.

Европа кенгаши Умумевропа хонадонининг таянчларидан бири, муҳим ташаббусларни биргаликда кўриб чиқиш жойи бўлиши мумкин. Биз ўзимизга топширилган декларацияни ҳам, Европа кенгашининг маданият, маориф, экология, телевидение ва бошқа масалалар тўғрисидаги конвенциясини ҳам диққат билан ўрганиб чиқишимиз, буларнинг қай бирига қўшилишимиз мумкинлигини ҳал қилишимиз керак. Олий Совет йўли билан Европа кенгаши билан ҳам, Европа парламенти билан ҳам узлуксиз алоқалар ўрнатиладиган вақт келди, албатта. Бунинг устига улар шу ҳақда таклиф ҳам қилишди.

Европа юмушлари муносабати билан ҳамсуҳбатларимиз **Совет—Америка** муносабатларига бир неча бор ва синчковлик билан қизиқиб қарадилар. Бу борадаги бизнинг позициямиз батамом равшандир. Ушбу позиция, бошқа ҳамма позициялар қатори, сиёсий реализмга асосланади. Америка Қўшма Штатлари объектив тарзда Европа жараёнининг омилидир. Ана шу реалликка етарлича баҳо бермаслик, бунинг устига қандайдир режалар тузиш ғўллик, яна рўй-рост айтадиган бўлсам, бемаънилик бўлур эди. Шунинг учун ҳам бу мамлакат билан шундай муносабатларни қарор топтириш керакки, токи бу муносабатлар янги, тинч Европа йўлида Шарқ билан Ғарбнинг бир-бирига кўникишига, ҳар бир мамлакатнинг социал-иқтисодий йўлни ўзи танлаб олишдек дахлсиз ҳуқуқини тан олиш шароитида барча мамлакатлар ва ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлиги мустаҳкамланишига ёрдам берсин, бу бизнинг манфаатларимизга ҳам, ялпи манфаатларга ҳам монанддир.

Биз президент Бушнинг яқинда Польша ва Венгрияга сафарлари ҳақида ҳам ана шу мезонларга қараб фикр юритамиз. Бундай сафарлар бўлиши керак. Аммо шуни ҳам ўқиб олиш керакки, бошқа системадаги мамлакатларни улар ўзлари танлаб олган йўлдан тойдиришга умид боғлаб, ушбу мамлакатлардаги ўзгаришларнинг мураккаб жараёнидан фойдаланиб қолиш ниятида жиловлаб қўйилиши керак. Бу ҳақда мен юқорида ҳам гапирган эдим. Бошқа система мамлакатларини улар ўзлари танлаб олган йўлдан тойдиришга умид боғлаш бутун Европа учун муайян салбий оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Ташрифлар давомида биз Совет — Америка муносабатларини янада яхшилашдан ҳамда, аввало стратегик ядро қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги музокараларнинг муваффақиятидан европаликларнинг манфаатдорлигини яна бир бор ҳис этдик. Биз суҳбатдошларимизнинг бу хусусдаги, принцип жиҳатидан ўз истакларимизга мос келадиган мулоҳазаларини жиддий кутиб олдик.

Энди Европадаги ана шу учта катта давлатга ташриф якунлари юзасидан **баъзи, жумладан амалий хулосалар чиқаришга рухсат этгайсиз.**

Аввало — ишнинг иқтисодий томони тўғрисида. Буюк Британия, ҒФР ва Францияда олий даражадаги учрашувлар ва бошқа музокаралар натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мисли кўрилмаган замин ҳозирланди, дейиш мумкин. Рекорд миқдорда: Боннда — 12 та, Парижда 22 та битим имзоланди. Гап сонда эмас албатта, лекин бу ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Савдо-саноат доираларининг энг нуфузли вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтганлиги ҳам муҳимдир, бизнинг назаримизда улар ҳозирги ташқи иқтисодий имкониятларимизга нисбатан танқидий муносабатда бўлсаларда, амалий муносабат билдирмоқдалар, узоқни, истиқболни кўзлашга мойил ва бизнесчиларга хос бўлган ўз фойдасини кўзлаш ва қатъият билан ўзаро алоқаларнинг энг мақбул шаклларини биргаликда излашга тайёрдирлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ана шу учрашувлар чоғида баъзи Совет идораларининг сусткашлиги, уларнинг ишни сансалорликка солиши тўғрисида шикоятларни ҳам эшитишга тўғри келди. Биз бу масалалар билан конкрет ва аниқ қизиққанимизда танқид асосли бўлиб чиқди.

Ана шу ҳамда бу ердаги мавжуд муаммоларни сира кечиктирмай ҳал қилиш биз учун муҳимлигини ҳисобга олиб, Олий Советнинг тегишли комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари бу ишга у ёки бу даража қўшилишлари керак.

Тузилган битимларнинг асосий қисми иқтисодий ва илмий-техникавий соҳага тааллуқлидир. Бу битимларнинг амалга оширилиши иқтисодий ислоҳотга ёрдам берсин, жумладан кичик ва ўртача фирмалар билан ҳам бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш учун, истеъмолчиларимиз учун ғоят зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг самарали ишлашини ташкил этиш учун амалий омилларни шакллантирсин — вазифа ана шундан иборат. Француз фирмалари билан агросаноат комплекси ва ўрмон хўжалигида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда. ҒФР ва Италия фирмалари иштирокида енгил саноат модернизация қилинади. Оғир космик платформалар, авиасозлик, тезюрар темир йўл транспорти, телекоммуникация, телевиденениинг келажаги ва бошқа илғор соҳаларда кооперация имкониятлари очилмоқда. Бизда, Ленинградда ва ГФРда экономика ва саноат уйлари барпо этилишидан кўп нарса кутяпмиз. Кези келганда айтиш керак: ўзига хос ғалати аҳвол юз бердики, илгари биз ўзимизнинг янги халқаро сиёсатимизни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва қуролярғларни қисқартириш соҳасида энг катта тўсиқларга дуч келамиз деб ўйлаган эдик. Иқтисодий соҳадаги иш анча жўн ва одатдагидек туюлган эди. Ҳозир эса ҳамма иш бошқача бўлиб чиқяпти. Очиғини айтайлик, бу соҳадаги қийинчиликлар фақат Ғарб тиклаб қўйган тўсиқлар билангина боғлиқ эмас, бундай тўсиқлар бор, улар сақланиб турибди, бу қийинчиликлар бизнинг сусткашлигимиз, қайта қуриш — иқтисодий тафаккуримизни ривожлантиришдаги қолоқлик ва тўғрисини айтганда, жаҳон бозорида иш олиб боришни билмаслигимиз, уқувсизлигимиз ва сарқитлар, баъзан эса шунчаки дангасалик билан боғлиқдир.

Сўнгги икки йил ичида делегацияларимизнинг қилган ишлари хусусида элчихоналарнинг фикрини сўраганимизда, улар айниқса ўқув ва сафар программалари йўқлиги тўғрисида жуда танқидий баҳо бердилар. Элчихоналарнинг хулосаларига таяниб делегацияларнинг кўпгина аъзолари маданият соҳасидаги ўз билимларини бойитиш ва бошқа мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш учун давлат ҳисобидан чет мамлакатларга бормоқдалар, дейиш мумкин. Бу шу қадар жиддий ишки, у қандайдир йўл билан якунланиши керак: менимча бу масалани СССР Олий Советида муҳокама қилиш — иқтисодий вакилларимизнинг ҳам, элчиларимизнинг ҳам гапларини тинглаш керак.

Иқтисодий фаолият учун кадрларни ўқитиш тўғрисидаги битимни алоҳида аҳратиб кўрсатмоқчиман. ҒФР, Франция, Англияда хўжалик юритиш ва савдонинг замонавий методларида ўқитиш курсларида ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча юз мутахассис ўқиди ва ҳозир ҳам ўқимоқда, улар Совет менежерлари — бошқарувчилари бўлмоқдалар. Бироқ, бу соҳада ҳам бизда ҳамма иш кўнгилдагидек эмас. Элчи Квицинский кўпинча тўғри келмайдиган одамлар танланаётганлигини ва улар ўз устозларини ҳайратга солиб, у ерда бошқа нарсалар билан қизиқаётганликларини хабар қилмоқда.

Сиёсий жиҳатдан Ғарбий Европага ташрифларнинг аҳамиятини — ҳар бир ташрифнинг ўзига хос хусусиятлари бўлишига қарамай — бир неча умумлашмалар билан ифодалаш мумкин. Янги, тинч Европага олиб борадиган йўлдаги мафкуравий ғовларни бартараф этишда ҳал қилувчи қадам қўйилди, дейиш мумкин. Давлат даражасида бир-биримизни тушунишда ишонч мустаҳкамланди. Бошқа социал системадаги мамлакатлар билан муносабатларимизни «инсонийлаштириш» қитъадаги тинчлик жараёнига афкор омма, миллионлаб европаликлар томонидан қудратли таянчни барпо этади.

Шу жиҳатдан қараганда, маданий, умуман умуминсоний алоқаларнинг сифати катта аҳамиятга эга бўлади. Тенг асосда маданият марказлари барпо этиш тўғрисидаги масала аллақачондан буён турибди. Энди бу масала ҳал қилинди. Ташрифлар муҳитининг ўзи, уларнинг интеллектуал мазмуни, бу ташрифларда зиёлиларимиз кўп вакилларининг қатнашганлиги, битимларнинг имзоланганлиги фан ва санъат, адабиёт арбоблари, ижодий союзларнинг қайта қуришнинг мухтор вакиллари вазифасини асосли равишда ва дадилроқ бажаришлари, Ғарбдаги касбдошлари билан биргаликда Европада тинч тартибнинг маънавий ва ахлоқий таянчларини шакллантиришлари, умуман бошқа муҳитни, Европа муҳитини барпо этишлари учун янги имкониятлар очади.

Ёшлар ўртасидаги алоқалар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини бир-биримизга юбориш, уларнинг оилаларда яшаши тўғрисидаги аҳдномаларни мен келажакни кўзлаб қилинган иш деб ўйлаган бўлур эдим. Одамларни бир-бирига юбориш олдин ҳам бўлган, лекин бунда саноқли кишиларгина қатнашарди. Ҳозир эса гап минглаб одамлар тўғрисида бормоқда.

СССР билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳарбий йўлда алоқаларни тиклашни муҳим деб ҳисоблайман. Бунда мудофаа министрлари, бош штаблар, ҳарбий қўшилмалар, ҳарбий ўқув юртлари ва шу кабилар қатнашмоқдалар. Ана шу йўлдаги ҳамжиҳатлик ва ҳатто шунчаки танишув ҳам, ўзингиз биласизки, ишончни мустаҳкамлашнинг, ҳарбий фаолиятни олдиндан кўра билишнинг алоҳида жиҳатидир. Бундан икки-уч йил муқаддам бундай алоқалар мислсиз ва номақбул ҳисобланар эди. Ҳозир эса бундай практика, мувозанатга рися этишлишни унутмаган ҳолда, мудофаа ҳаракатларини қисқартириб, дадил ҳаракат қилиш мумкин бўлган муҳитни шакллантиришга ёрдам бермоқда.

Ташрифлар давомида парламент алоқаларини кучайтириш тўғрисида келишиб олдик. Бизнинг давримизда уларнинг сиёсий аҳамияти равшан ва бу аҳамият орта боради. Шундай экан, мамлакатларнинг бир-бирларига парламент аъзоларини юборишида расмиятчиликдан ва унинг экскурсия тусидан холи бўлиши муҳимдир. Айтмоқчи, хорижий парламентлар тажрибасида бизнинг демократик тартибларимиз учун, Олий Совет ўзинидаги иш қоидаларини пухталаштириши учун кўпгина фойдали жиҳатлар бўлиши мумкин.

Етти етакчи капиталистик давлат **раҳбарларининг кенгаши** арафасида Германия Федератив Республикаси ва Францияда бўлдик. Ана шу кенгаш бу гал Парижда ўтди. Шу муносабат билан президент Миттеранга мактуб йўллаб, жаҳондаги асосий хўжалик муаммоларига Совет раҳбариятининг қарашларини баён қилиб бердим. Асосан гап қуйидагилар ҳақида бормоқда.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалигини интернационаллашнинг объектив жараёни кўп томонлама иқтисодий ўзаро муносабатларнинг янги даражасини талаб қилмоқда. «Еттилик»нинг катта иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришга доир куч-ғайратларини кузатар эканмиз, биз иқтисодий жараёнларни кўпроқ олдиндан билиб олишни таъминлаш учун имкониятлар бор, деган хулосага келамиз. Бу — умумий иқтисодий хавфсизликнинг муҳим шартидир. Бу биз бир қисми ҳисобланган ҳозирги цивилизациямиз тараққиётидаги жуда ташвишли йўналишларига ҳам тааллуқлидир.

Бизнинг қайта қуришимиз халқаро меҳнат тақсимотида тўла иштирок этиш йўлидан ажралмасдир. Бу биз учун керак, лекин бундан бошқалар ҳам манфаат кўрадилар.

Дунёда ўзаро қарамлик ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ ҳозирги замон иқтисодий эволюцияси қонунлари турли хўжалик системаларини ажратиб турган ғовни вайрон қилиб юбормоқда. Ҳар бир система ўз хусусиятларини сақлаб қолаётган бўлса ҳам, улар бир-бирларига қанча вақт ўтса, шунча кўпроқ муҳтож бўлмоқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, улар тартибга солишнинг ўхшаш воситаларидан фойдаланмоқдалар. Келгусида гап макроэкономик мувофиқлаштириш механизмларини бирлаштириш тўғрисида бориши мумкин. Париж кенгашида ана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан биз мулоқотга тайёр эканлигимиз тўғрисида хабардор қилинди.

Равшанки, кўпгина зиддиятлар сақланиб қолмоқда. Шунга қарамай, мисол учун қарзни тартибга солиш каби муаммоларга ёндашувларда нуқтан назарларимизнинг яқинлигини ва бир-бирини тўлдиришини кўриб турибмиз, тараққиётга кўмаклашиш, қарз берувчилар ва қарздорлар учун ҳам, пул берувчилар ва олувчилар учун ҳам мақбул қарорларни топишга кўмаклашиш учун ҳаракат қиляпмиз.

Жаҳон экономикаси барқарор ривожланишини таъминлаш ишончли экологик мустаҳкамлагичлар барпо этишни кўзда тутади, улкан экологик хавф-хатарни бартараф этишда юксак даражада келишувни тақозо этади.

«Еттилик»нинг Париж сессияси якунловчи қарорларида биз ўз навбатида, ҳар ҳолда олдинги сессиядагига нисбатан бир қанча янги ижобий жиҳатларни кўрдик, қандайдир силжиш бор.

Умуман фақат мактубда эмас, Ғарбдаги арбоблар билан суҳбатларда ҳам ҳар қандай «учликлар», «еттиликлар» ва шу кабилар тинчлик тақдирини ҳал қила олмаслиги ва улар масалаларни халқлар учун ҳал қила олмасликлари тўғрисидаги фикрни етказдик. Биз барча мамлакатларга тааллуқли жаҳоншумул муаммоларни кўриб чиқишни интернационаллаштириш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бунинг учун энг мос келадиган воситадир. БМТ ўзининг ана шу ролни бажарадиган пайтини узоқ кутди.

Умуман фаолиятимизнинг Ғарбий Европа йўналиши тўғрисида гапирганимизда шундай хулоса қилиш мумкин: дунё ўзгара бошлади. Бу ўзгариш тобора сезилярли бўлиб боряпти. Бу бировларга кўпроқ ёқса, бошқаларга унча ёқмаяпти, учинчиларга эса мутлақо ёқмаяпти. Биз буни ҳам биламиз. Ана шундай одамлар Америкада ҳам, Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам бор. Бировлар ўзгаришларга кўмаклашмоқдалар, бошқалар тўсқинлик қилишмоқда. Ҳали ўз йўлини танлаб олмаган ва шу сабабли кутиб турган одамлар ҳам бор.

Бироқ шуниси муҳимки, Ғарбий Европадаги раҳбарлар ҳам, чамаси европаликларнинг кўпчилиги ҳам янги Европани барпо этиш мумкинлигина эмас, балки зарурлигини тушунмоқдалар. Бошқа йўл йўқлигини, Европа уруш хавфи сақланиб турган даврга қайтмаслиги, балки мавжуд реалликларга таяниб олга бориши лозимлигини тушуниш мустаҳкамланиб бормоқда.

Тинч давр йўлида ҳали кўпгина мураккаб вазифаларни ҳал қилишга, қийин тугунларни ечишга тўғри келади. Боз-боз «совуқ уруш» елвизаги, ҳатто шамоли эсиб қолмоқда. НАТОда гоҳ биргалашиб, гоҳ алоҳида-алоҳида ана шундай шамол чиқаришни фойдали деб ҳисоблаётган бўлсалар керак. Биз буни яқинда баъзи нутқларда ва декларацияларда ҳам сездик. Шу сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ Европада нормал, айтиш мумкинки, инсоний қиёфага кираётган янгиликни шамоллатиб қўймаслик учун эҳтиёт бўлиш лозим. Мен бундай деган бўлур эдим: вужудга келган имкониятларни қўлдан бермаслик ва фақат жаҳон сиёсатининг Европа йўналишидагина эмас, умуман ўз ташаббускор сиёсатимиз билан авж олган жараёнларни олга силжитиш керак. Реалликдан ажралиб қолмаслик, ана шу реалликларни ҳисобга олиб ҳаракат қилиш зарур, албатта.

Умуман, ленинча иборани ишлатиб турли Европа давлатларининг тинч қурилиши реалликка айланиб бормоқда, энди буни ҳеч ким ҳисобга олмаслиги мумкин эмас, деб хулоса чиқарса бўлади.

Депутат ўртоқлар! Мен бугун сизларга айтган шу қадар катта ташқи сиёсий тадбирларнинг **иттифоқчилик алоқаларимиз доирасида** ўзининг муҳим мезонлари бор. Страсбургдан тўғри Бухарестга Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашига ўтдик.

Бухарест кенгаши социалистик ҳамдўстлик ҳаётидаги ғоят масъулиятли босқичда ўтганлиги учун ҳам, у ерда бўлиб ўтган фикрлашувларнинг характери жиҳатидан ҳам одатдагидек бўлмади. Бухарестда қабул қилинган ҳужжатлар — хавфхатарсиз, тинч Европага бориш йўлидаги ҳаракатларнинг яхлит программасидир. Бу ҳужжатлар социалистик давлатлар давр тақозосига ўхшаш жавоб қайтараётганликларидан дарак беради. Улар коллектив ишнинг мевасидир, уларга ҳар бир давлат ўз ҳиссасини қўшган.

Кенгаш НАТО Брюссель сессиясининг таклифига амалий жавоб қайтарди, бу таклифлар маълум маънода Варшава Шартномасининг оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартиришга доир ташаббусига мувофиқ келади, деб қайд этди. Кенгаш Европадаги ва дунёдаги янги реалликларни ҳисобга олиб, иттифоқимизни ҳарбий-сиёсий ташкилотдан сиёсий-ҳарбий ташкилотга айлантириш зарурлиги тушунилаётганлигини кўрсатди. Бу эса социалистик давлатлар эълон қилган мақсадни кўзлаб, ҳаракат қилишга, яъни Умумевропа жараёни орқали Варшава Шартномаси ташкилоти ва НАТОни тарқатиб юборишга тайёргарлик кўришга ёрдам беради. Бунинг учун ҳозир шароит етилмаган экан, биз блоклар ўртасидаги муносабатларни мухолифсизлик негизида ривожлантираверамиз.

Иттифоқимизнинг олий анжумани ўз ички моҳияти билан кўп жиҳатдан янгича бўлди, рўй-ростлик, воқеалар таҳлилининг ўзига хослиги билан ажралиб турди. Бунда турлича баҳолар, бир-бирига ўхшамайдиган нуқтан назарлар бўлдими? Бўлди. Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ, деб ҳисоблаймиз. Хўжакўрсинга якдиллик вақтлари ўтиб кетди. Ўзига хос ёндашувлар чоғида, Варшава Шартномасидаги турли мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсати ўзига хос муҳим жиҳатларга эга бўлган пайтда Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши, шунга қарамай, ҳамжиҳатлик ва ўзаро алоқаларга муштарак сиёсий иродани зўр куч билан кўрсатди. Бу муҳимдир. Иттифоқчи мамлакатлар жаҳон жараёнининг туб муаммоларига бир хил ёндашаётганликлари тасдиқланди. Бу эса уларга ҳозирги босқичда принцип жиҳатдан умумий йўл тўғрисида осонгина келишиб олишга имкон берди. Ғарбий Европанинг ҳукмрон доираларида Бухарест кенгашининг якунлари умуман яхши кутиб олинди. Бу ғайри оддийдир, шунга қарамай, у Европадаги давлатлараро муносабатларнинг янги руҳига мос келади.

Иттифоқчиларимиз 1975 йилдаги Хельсинки учрашуви тусида олий даражада иккинчи Умумевропа учрашувини чақириш тўғрисидаги таклифимизни қўллаб-қувватладилар. Бу учрашув Европанинг келажагига назар ташлаш, XXI асрга чиқадиган Европа жараёни истиқболини равшанлаштиришга имкон беради.

Тўла тенг ҳуқуқлилик, мустақиллик принципларига асосланган янги муносабатлар социалистик ҳамдўстликда мустаҳкам қарор топганлигини Бухарест кенгаши яна бир бор тасдиқлади. Эндиликда қандайдир универсал социалистик моделлар йўқлиги, ҳеч ким ўзини мутлақ ҳақ деб ҳисоблай олмаслиги ҳаммага равшан. Ҳар бир халқ ўз мамлакати тақдирини ўзи белгилайди, система ва тузумни ўзи танлаб олади. Ҳеч ким ҳеч қандай баҳона билан ташқаридан аралашиши, бошқа мамлакатнинг сиёсати тўғрисида ўз тасаввурларини тиқиштириши мумкин эмас.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида, айниқса делегациялар раҳбарларининг учрашувида биринчи марта ҳамдўстлик мамлакатларидаги чуқур ўзгартишларни муҳокама қилиш анча ўрин тутди. Социализм ва уни янгилаш йўлларини ҳозир қандай тушунилаётганлигининг принципиал жиҳатлари муҳокама қилинди. Янги шароитда уларнинг иқтисодий ҳамкорлигига қандай қилиб катта жўшқинлик ва катта натижадорлик бағишлаш тўғрисида ҳар томонлама суҳбат бошланди. Ана шу мавзуда Бухарестда бошланган ҳар томонлама фикрлашишни тез орада яна давом эттириш, унга тағин ҳам давомли конкрет тус бериш тўғрисида келишиб олинди. Бу ҳам давримизнинг дунёдаги интеграция жараёнлари устун туришини ифодалайдиган белгисидир.

Социализм тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг бурилиш тусидаги палласини тушуниб етиш, янгиланиш жараёнлари муваффақиятидан умумий манфаатдорлик — буларнинг ҳаммаси кенгаш ишига кучли таъсир қилди.

Мутлақо равшанки, бутун Европадаги вазият каби кенгаш якунлари ҳам Олий Советнинг иттифоқчи давлат парламентлари билан алоқаларини янгилашни тақозо этмоқда.

Умуман Бухарест кенгашининг характери Куба ва Хитойдаги олий даражадаги учрашувлар якунлари билан қўшганда бизнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз ана шу мамлакатлардан ҳар бирининг муносабатларидаги ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ва кучайтирган ҳолда ҳозирги ўзаро боғлиқ дунёдаги жараёнларнинг ижобий омили сифатида тобора яхлит қиёфага эга бўлаётгани ҳақида гапиришга имкон беради.

Кези келгандан фойдаланиб ХХР билан муносабатларимизни нормаллаштиришнинг жаҳоншумул аҳамиятини яна бир бор таъкидламоқчиман. СССР халқ депутатлари съезди бу воқеага юқори баҳо берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Пекиндаги воқеалар хусусида бизнинг фикримиз тўғрисида менга Боннда ҳам, Парижда ҳам қатъият билан савол беришди. Мен бу саволларга қайтарган жавобларнинг моҳиятини шу минбардан баён қилиб бериш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман. Хитой каби мамлакатда ўтаётган ўзгариш жараёни жаҳон миқёсидаги ҳодисадир. Табиийки, биз Хитой халқига ўзгартишлар йўлидан, ўзи танлаб олган йўлдан олға боришда муваффақият тилаймиз. Ана шу йўлда қийин ҳолатлар ва можаролар бўлиши мумкин. Биз Пекинда юз берган фожиага ўз муносабатимизни билдирганмиз. Шундай бўлганидан биз таассуфланамиз. Биз энг ўткир муаммолар ҳокимиятнинг халқ билан сиёсий мулоқоти орқали ҳал этилиши тарафдоримиз. Биз шундай фикрдамиз. Ўзимиз ҳам шундай усулни танлаб олганмиз. Лекин ҳар бир халқ ўз муаммоларини ўзи ҳал қилади. Бу бизнинг принципиал ва муқаррар позициямиз, деб ўйлайман.

Биз Хитой Халқ Республикасига ташрифимиз натижаларидан изчиллик ва тўла фойдаланишга, турли соҳаларда, шу жумладан энг илғор илмий ва техникавий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка бутун чоралар билан кўмаклашишга қатъий аҳд қилганмиз. Бу ерда ана шундай иш олиб борилмоқда. Яқинда СССРда Хитой фани ва техникаси кунлари ўтказилганлиги муносабати билан давлат кенгашининг аъзоси Сун Цзянь бошлиқ ҳукумат делегацияси СССРга келди. ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари Тянь Цзиюнь яқинда Москвада бўлди. У иқтисодий, савдо ва илмий техникавий ҳамкорлик комиссиясида Хитой томонига бошчилик қилди. Партиялар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Совет—Хитой мулоқотининг янги маррага кўтарилиши иккала халқларимизнинг манфаатларига, Осиё—Тинч океан регионида ва бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатларига мулоқотимизнинг ва муносабатларимиз ахамиятининг кучи жиҳатидан мос келишига ишончим комил.

* * *

Ўртоқлар! Ташқи сиёсий йўлимиз муайян даражада самарадор эканлигини намойиш қилди, чунки менинг назаримда, у илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, давр тақозосини, жамиятимизнинг ҳам, биз яшаётган дунёнинг ҳам эҳтиёжларини ҳисобга олган.

Биз янги тафаккурга асосланиб танлаган принципиал йўлимиз **тўғри йўлдир.** Вазифа — тўпланган ташқи сиёсий «бойлик»ни кўпайтириб ундан ўз халқимизнинг бахт-саодати учун, умумий хавфсизлик ва тараққиёт учун изчиллик билан ва тўла фойдаланишдан иборат.

Бунда биз ўзимиз тузган шартномалар ва битимларни сўзсиз бажаришимиз, халқ депутатлари съездининг қарорига ва унинг жаҳон халқларига мактубининг мазмунига ва руҳига оғишмай амал қилишимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Олий Совет, унинг комитетлари ва комиссиялари ҳамда энг олий ҳокимият органи — халқ депутатлари съезди сўзимиз ишимиздан фарқ қилмаслиги учун, бизнинг идораларимиз ва бошқа органларимиз ўз йўл-йўриқлари ва ҳаракат тарзи билан ёки ҳаракат қилмаслиги билан бизнинг принципиал сиёсий йўл-йўриқларимизни обрўсизлантирмасликлари, баъзан бўлгани каби маъмуриятчилик, бюрократия йўлакларида йўқ бўлиб кетмаслиги учун чинакам парламент конституцион назоратини амалга ошириш лозим бўлади.

Биз Совет қонунларини Венада ўз зиммамизга олган мажбуриятларга, БМТда ўзимиз овоз берган декларацияларга, остига имзо чеккан бошқа халқаро ҳужжатларга тўла мувофиқлаштиришга доир ишимизни ниҳоясига етказамиз. Олий Советнинг халқаро ишлар комитети Ташқи ишлар министрлиги билан биргаликда Вена якунловчи ҳужжати амалга оширилиши тўғрисидаги масалани махсус равишда тинглашга қарор қилганлиги тўғри бўлди. Назаримда парламентлараро даражада ҳам шартномаларни контроль қилишнинг қандайдир қўшма шакли бўлиши мумкин. Бу ҳамма томонлар шартномаларга риоя қилишига қўшимча кафолат берган бўлур эди. Бундай ташаббус тўғрисида ўйласа, ана шу мақсадда ишга солиш мумкин бўлган омиллар тўғрисида ўйласа арзийди.

Янги тафаккур фақат ташқи сиёсатдагина эмас, балки аслида умуман қайта қуришнинг идеологияси ва назарияси эканлиги тўғрисида олдин ҳам гапирган эдим. Халқаро фаолиятимизнинг натижалари унинг серсамаралилигини таъкидламоқда, ҳолос. Бу эса ҳаммамизга: «Янги тафаккур ички ишларда ҳам қисқа муддатларда тағин ҳам сезиларлироқ натижалар келтиришга қодир» эканлигини кўрсатмоқда. Биз ўтиб кетган даврдаги сийқа фикрлашни қанчалик тезроқ бартараф эта олсак, сиёсий, иқтисодий, социал масалаларни янги тафаккур нуқтаи назаридан ҳал қилишга қанчалик дадилроқ ёндашсак, жамиятимиз шу қадар тезроқ олға боради ва қайта қуриш совет кишиларига сезиларли самара бера бошлайди.

Ҳаммамиз — Олий Советда, ҳукуматда, партия раҳбарлигида ҳам, ҳар бир совет граждани ҳам, у қаерда яшамасин ва ишламасин — шуни ёдда тутишимиз лозим: мамлакатимиз ичкарисида қайта қуришга путур етказаётган ёки уни обрўсизлантираётган ҳамма нарсалар Совет давлатининг халқаро аҳволига ҳам салбий таъсир қилади. Шу билан ички вазифаларимизни ҳал қилиш учун, қайта қуришнинг ўзининг муваффақиятлари учун ташқи сиёсий потенциалдан фойдаланиш имконияти камаяди.

Дунёдаги ижобий жараёнлар ҳали муқаррар тус олгани йўқ. Лекин шу билан бир вақтда инсоният тарихида тинчлик даврига чиқиб олиш истиқболлари ҳеч қачон ҳозиргидек умидбахш бўлмаган эди. Бу ҳеч қачон шу даражада, ўртоқлар, сиз билан бизга, буюк қайта қуриш иши учун ҳамманинг ва ҳар бир кишининг масъулиятига боғлиқ бўлмаган эди.

* * *

М. С. Горбачев депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

С. А. Медведев. Ғарбдагилар (бу ўта содда савол бўлиши мумкин), атом электрстанцияларининг шунча миқдори мавжуд бўлган шароитда Совет Иттифоқига ҳар қандай ҳужум қилиш бутун Европанинг ҳалок бўлишига олиб боришини англаб етишганми? Буни шунинг учун сўраяпманки, сайловчиларим: ўз территориямизда шунча атом бомбалари, атом электростанцияларимиз бўлган пайтда қуролярғларимиз ҳаддан ташқари кўп эмасми? Буни ғарбдагилар англаб етишяптими? — деб бутунлай бошқача савол ҳам бермоқдалар.

М. С. Горбачев. Сиз шундай савол бердингизки, уни мен ҳатто ўз ахборотимда кўзда тутишим лозим эди. Менимча, ўртоқлар, бундай аҳволни тушуниб етиш яқол сезилиб турибди, менимча бу реалистик сиёсатни рағбатлантирадиган шарт-шароитдир.

Н. В. Бородин. Михаил Сергеевич, Сиз қандай фикрдасиз, Ғарбий Европада маданият, илмий, сиёсий, иқтисодий интеграция соҳасида тўпланган тажрибадан социалистик ҳамдўстликни интеграциялаш мақсадларида кўпроқ даражада фойдаланиш мумкинми? Мен баъзи ҳодисаларни тушуна олмаяпман, уларни маъқуллаймайман ҳам: мисол учун баъзи социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида қад кўтараётган бож ғовлари, баъзи бошқа ҳодисаларни айтаяпман, шу муносабат билан бу масала мени жуда қизиқтирмоқда. Шу хусусда Сизнинг фикрингизни билишни истар эдим.

М. С. Горбачев. Энг қизиқ саволлардан бири бу. Менинг назаримда Европа ва жаҳон халқлари билан алоқа қилишдаги тажрибамиз, қарашларимиз, сиёсатимиз бошқа мамлакатларга ҳам у ёки бу даражада таъсир қилмоқда. Худди шу каби ана шундай таъсирни биз ҳам ҳис этаётганлигимизни қайд эта оламиз. Шунга қарамай, дипломатик жавоб бериш билан чекланиб қолмоқчи эмасман: шу жиҳатдан биз орттираётган тажриба мамлакатимиз тараққиётнинг жуда муҳим, бурилиш босқичида бугунги ишларимизда ёрдам бермоқда. Биз цивилизация тажрибасига таяниб ва унд

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Бошн 1 ва 2-бетларда).

сини киритдингиз. Бизнинг резолюциямизда, съезднинг қарорида биринчи марта Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг аҳлоқий жиҳати ҳақида гапирилган, шу сабабли Сизга савол бермоқчиман — Совет—Эрон декларациясида: «Совет томони Эроннинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишида у билан ҳамкорлик қилишга розидир» деган жумла бор. Бу жумла аввалгидек жуда кўп, юмшоқроқ қилиб айтганда, саволларга ва танқидга сабаб бўлганини Сиз жуда яхши биласиз, шунга қарамай биз бу жумлани ҳеч қаерда шарҳламадик.

М. С. Горбачев. Қарсак чалинишига сал қолганлиги сиз берган саволлар равшанлигини кўрсатиб турибди, деб тушундим. Савол шу тарзда берилдики, жавобнинг ўзи ҳам шу саволнинг ичида. Мен қуйидагиларни айтишим керак: биз ҳозир Мудофаа Кенгаши тўғрисидаги масалани тайёрламоқдамиз. Кузги сессияда уни тасдиқлашимиз лозим бўлади. Шундай қилиб ушбу мавзулар юзасидан гапни батафсил давом эттиришга имконият бўлади. Шуни айтишим мумкинки, сиз айтган нарса Совет раҳбариятини кўпдан буён ташвишга солмоқда. Барча янгидан-янги ҳарбий программалар юзасидан бошма-бош принципи асосида мусобақалашаркан айни шу ташвишланиш бизни янгича ёндашувлар тўғрисида ўйлашга мажбур этган шарт-шароитлардан бири эди. Айни шу — бизга янги сиёсат ва янги тафаккур лозимлигини тушуниб етишимизга олиб келган сабаблардан биридир. Биз назарий жиҳатдан масалани ана шу тарзда қўйиб, сиёсат тўғрисида ўзи ўйлашимиз лозим эди. Пировард натижада музокарадош шерикларимиз (уларни рақиб деб атамайлик) жавоб қайтаришди ва биз янги ҳарбий доктринани, мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш заруратига дуч келдик. Бу эса ўз навбатида бизни бутун Қуролли Кучлар қурилишида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу сиз айтган муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Хуллас бизда армия ҳозир чуқур ўзгаришлар йўлидан бормоқда. У вазият тақозо этаётган тарзда бўлиши лозим. Армия мамлакатни ҳимоя қилишга, унинг хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда техник, профессионал жиҳатдан замонавий бўлиши лозим. Биз кўпгина программаларни қисқартириш йўлига қатъий ўтдик, кўпгина программаларни ёпиб қўйдик — бу ўнлаб программаларга таллуқлидир. Бинобарин, ана шу жараён давом этмоқда. Лекин яна бир марта айтиб ўтмоқчиман: бу жараён энг асосий нарсани — мамлакат хавфсизлигини, ишончли хавфсизлигини таъминлайдиган тарзда амалга оширилади. Қолганлари ҳақида конкрет тарзда Олий Советнинг тегишли комитетида тағин ҳам батафсилроқ гаплашиб олиш талаб қилинади. Комитетнинг ёпиқ мажлисида янги Мудофаа Кенгашини шакллантириш ва тузиш тўғрисида гапирганимизда ана шу муаммонинг катта доираларини очишга тўғри келади. Сизни ишонтириб айтаманки, у ерда сизга етказиладиган гаплар бор, сизда ҳам айтадиган гаплар, берадиган саволлар бўлади, деб ўйлайман.

Эроннинг ҳозирги президенти А. А Ҳошимий-Рафсанжонийнинг Совет Иттифоқидаги учрашуви тўғрисида ўша маълум якунловчи ҳужжат муносабати билан аҳлоқийлик тўғрисида берган саволингиз хусусида. Менимча, жаҳон ҳамжамиятига қаратилган ва муносабатларни соғлом ақл-идрок, ҳамкорлик принциплари асосида, ядро қуролларини қисқартириш базасида ва шу каби асосларда қайта қуришга даъват этувчи сиёсат хавфсизлик тўғрисидаги масалани кун тартибидан олиб ташламайди. У ана шу масалани бошқа изга кўчиради. Аммо хавфсизлик тўғрисида гап борганда ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлиш учун қурол-яроғлар билан етарли таъминланишнинг ҳамиша муайян даражаси ҳам бўлади. Биз қурол-яроғларни кўплаб қисқартираётган бўлсак ҳам, қурол-яроғ билан савдо қилмоқдамиз. Социалистик мамлакатлар билан ҳам, бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо қилмоқдамиз. Мазкур ҳолда биз ўзимиз нормал муносабат ўрнатишни истаётган қўшни мамлакат билан иш тутмоқдамиз. У ўз хавфсизлиги учун қурол-яроғ етказиб бериш хусусида муайян илтимос билан бизга мурожаат қилди. Биз маълум қадамларни қўйдик. Улар халқаро муносабатларни ривожлантириш учун, бу муносабатларга фақат тинчликни сақлаб қолиш эмас, балки уни мустаҳкамлашга, халқаро муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган замонавий йўналиш бахш этиш учун масъулият тўғрисидаги тасаввурларимизга зид келмайди.

Ю. Н. Шчербак. Михаил Сергеевич, Сиз БМТ сессиясида сўзлаган нутқингизда ўзига хос экология хавфсизлиги кенгашини тузишдан иборат жуда мароқли ғояни олға сурдингиз. Бизнинг экология алоқаларига бўлган эҳтиёжларимизни ва Умумевропа эҳтиёжларини эътиборга олганда бу ғоя Европа хонадонида конкрет равишда қай тарзда рўёбга чиқарилиши мумкин?

М. С. Горбачев. Менимча, бу ғоя айни шу ерда, Европада ҳаммадан кўра тезроқ рўёбга чиқарилиши мумкин. Масалан, СССР Фанлар академияси ҳузурида махсус илмий марказнинг тузилганлиги Европада ғоят зўр қизиқиш уйғотди. Европадагилар унга нисбатан ижобий муносабатни ва ҳатто ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Умуман, европаликларда яқин вақтлар ичидаёқ экология бўйича қандайдир марказ тузиш учун катта зарурат бор. Ҳамма раҳбарлар билангина эмас, балки илмий доиралар билан, оддий жамоатчилик билан ҳам бизнинг барча учрашувларимизда мана шу фикр билдирилди. Айни Европада экология соҳасидаги ҳамкорлик ғояси ҳаммадан кўра тезроқ амалга оширилиши мумкин, деб ўйлайман.

Жойдан берилган савол. Муҳтарам раис, Сиз ажнабий давлатлардан қарз олиш эҳтимоли тўғрисида кам гапирдингиз. Қандай шартлар билан, қанча олиш мумкин? Сиз, менимча, бу мавзуларда гапирган эдингиз. Менда-ги бу таассурот бошқа бир таассурот билан боғланмоқда. Бугун танаффус вақтида мен молия министри билан жуда қаттиқ гаплашдим, биз деярли уришиб қолдик. Бу министр ҳар куни товарлар билан таъминланмаган қанчадан-қанча қадрсиз пул ишлаб чиқарилаётганини маълум қилишдан бош тортмоқда. Бутун Олий Совет мамлакатни демократиялаш йўлида қилиши мумкин бўлган амалда ҳамма нарсани ана шу министр 100 миллион сўм қадр-қимматсиз пул чиқариб, йўқ қилиб юборишни мумкин. Менда турмушимизнинг бутун бир соҳаси, айни молиявий соҳа биздан пинҳон тутилмоқда, унинг устидан ҳеч қандай назорат йўқ, деган таассурот вужудга келмоқда.

М. С. Горбачев. Сиз тилга олаётган мавзу съездда ҳам, Олий Советда ҳам марказий, энг муҳим мавзу бўлган эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда, деб ўйлайман. Ҳукуматда жиддий иш олиб борилмоқда. Шу нарса назарда тутилмоқдаки, чоршанба куни ўртоқ Маслюков депутатлар қизиқиш билдирганликлари муносабати билан экономикадаги вазиятни нормаллаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар хусусида ҳукуматнинг фикр-мулоҳазаларини маълум қилади. У депутатларга таътил вақтида фикр юритиш учун маълумотлар бериши назарда тутилмоқда.

Сиз молия министри билан баҳсингизни эртага, ўртоқ Маслюковга ўз саволларингизни бериб, давом эттиришингиз мумкин.

Мен эса қўйидагиларни айтаман: биз, қарз олиб жуда масъулият билан иш тутаяпмиз, жуда масъулият билан ҳаракат қиляпмиз. Бунда икки жиҳатни адаштирмаслик муҳим, мен бу ҳақда алоҳида айтиб ўтмоқчиман: биринчиси — биз ма-на шу қарзни ўз имкониятларимиз билан чамалаган ҳолда қандай, кимлардан ва қанча олишимиздадир. Иккинчиси эса, улардан биз қандай фойдаланишимиздадир. Булар иккита муҳим жиҳат ҳисобланади. Бинобарин, қарзлар ҳажмига келганда биз принципиал сиёсий йўл-йўриқдан келиб чиқамиз. Бу йўл-йўриқ қуйидагилардан иборат: биз, барча мамлакатлар каби ҳамкорлик қилишимиз, қарзлар олишимиз ва улардан фойдаланишимиз ҳамда ана шу қарзларни тўлашимиз керак. Бу бизнинг ишимиз. Аммо биз бу ерда шундай иш тутишимиз керакки, Совет Иттифоқига таалуқли барча қарорлар қандайдир бошқа жойда эмас, балки Москвада қабул қилинадиган бўлсин. Гап шундаки, қарз олган баъзи мамлакатлар шундай бир вазиятга тушиб қолишган бўлиб, энди уларга экономикадаги ишларни қандай юритиш ва мамлакатни қайси йўналишда ривожлантириш кераклигини буюрадиган бўлиб қолишган. Биз учун бундай ёндошув мутлақо номатлуб деб ўйлайман. Бу бизнинг принципиал асосий жиҳатимиздир. Агар кимда ким бошқача фикрда бўлса бу ҳақда мунозара юритиш мумкин. Мен эса шахсан баён этилган фикрга амал қиламан. Мамлакат раҳбарияти ва ўйлайманки, бизнинг халқимиз ташқи ишларнинг, шу жумладан қарзлар соҳасидаги ишларнинг шу тақлидда олиб борилишига ҳеч қачон рози бўлишмайди, акс ҳолда биз қарорлар қаердадир халқаро валюта фондида, реконструкциялаш банкида ва ҳоказо жойларда қабул қилинадиган вазиятга тушиб қолишимиз мумкин. Бу истисно этилиши керак.

Б. Г. Муҳаммаджонов. Ҳурматли Михаил Сергеевич, съездда қайд этиб ўтилганидек, бизнинг халқаро ишларимиз мамлакат ичкарисидаги вазиятга қараганда анча тезроқ яхшилик томон ривожланиб бормоқда. Халқ депутатлари бўлмиш бизларнинг ҳаммамиз мамлакатдаги вазият Сизнинг тафаккурингиз асосида яна ҳам тезроқ суръатлар билан яхшиланиб боришини олдиндан кўра оламизми?

М. С. Горбачев. Бизнинг тафаккуримиз асосида, деб айтаман, мен барчаларингизни бир-бирингиздан шубҳа қилмасликка чақираман. Келинг, қарорларни биргаликда излайлик, биз ҳис этган нарсаларни шу сўнгги кунларда ўз тафаккуримиз асосида бажариш зарур. Сайлов кампанияси давомида халқ қайта қуриш сиёсатини жуда зўр қўллаб-қувватлади, ана шу кампанияни танқидий руҳда ўтказди, аммо юксак талаблар ҳам қўйди. Ҳозирги вазиятда бу нарса шахтёрларнинг иш ташлашларида, уларнинг биз экономика соҳасида қайта қуриш режаларини рўёбга чиқара бориб, қандай ҳаракат қилишимиз кераклиги хусусида ўртага қўяётган масалаларда намоён бўлди. Менимча, биз ҳаммамиз ҳозир бундан ташвишдамиз.

Олий Совет вахимага тушиб қолиши керак, деб ўйламайман. У совуққонлигини сақлаб қолиши керак. Мана шундай совуққонлик ҳам мавжуд. Экономикада бизга молия соҳасидаги ва бозордаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни, айниқса, уларда тартиб ўрнатиш борасидаги вазифаларни ҳал этишда ёрдам берадиган ёндошувларни ишлаб чиқиш учун барча интеллектуал кучларни, ўзимизнинг бутун ижодий қобилиятимизни бирлаштириш лозим. Шу билан бирга эса экономикамиз муттасил ривожланиб, самарали бўлиб қолиши учун истиқболга замин ҳозирлаш, чуқур пойдевор ўрнатиш керак. Биз белгилаган режалар буни ўз ичига олган. Бу хусусда кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар юзасидан баъзи масалалар бўйича сизларга эртага ўртоқ Маслюков маълумот беради. Қолган ҳамма нарса сентябрь ойининг ўрталаригача тайёрлаб қўйилади. Ушанда депутатлар Москвага қайтгач улар дарҳол комитетлар ва комиссиялар орқали масалаларнинг бутун комплексини кўриб чиқишга кириша оладилар.

Бизнинг ортимизда мамлакат, ғоят катта экономика, жуда катта масъулият борлигини биз доимо назарда тутишимиз керак. Агар кимки оддий ва енгил ечимлар бор деб ўйлаётган бўлса, сизларни ишонтириб айтаманки, бундай ечимлар йўқ. Зотан биз мана шу жавобларни биргаликда топиш учун барча кучларни тўплашимиз, жипслашишимиз лозим. Баъзан бизда Олий Совет фаолиятининг мана шу босқичида ва съездда намоён бўлганидек, бир-биримизни бурчакка қисиб қўйишга уринишга керак эмас.

Баъзилар Олий Совет раисининг фаолиятини рўйрост ва пинҳона шаъма қилиш йўли билан катта шубҳа остига олишаётганини кўриб турибманку, ахир. Гўё у бирлаштиришга, қўшиб бўлмайдиган нарсани қўшишга, ўнглар билан сўлларни унаштиришга ва ҳоказоларга уринаётган эмиш. Буларнинг ҳаммаси ўйдирма гаплар. Ўйдирма бўлганда ҳам чуқур таҳлил ва масъулиятнинг йўқлигидан далолат берувчи ғоят бемаъни ўйдирмалардир. Биз Олий Советда барча ижодий кучларни ечимлар ва жавобларни излаб топиш, халқимиз кутаётган қарорларни ишлаб чиқиш йўлида жипслаштираверишимизга ишончимиз комил. Бу — бизга зарур бўлган йўлдир. Агарда биз мана шу масъулиятли органда орани бузар эканмиз, у ҳолда Олий Совет учун катта шармандалик бўлади ва халқ бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Д. Худоназаров. Михаил Сергеевич, Сиз парламентлараро алоқалар тўғрисида ва биз уларни кенгайтирганимиз ҳақида гапирдингиз. Менинг бир истагим бор. Афсуски, бизнинг кутубхонамизда ва умуман, бизларда бу соҳадаги китоблар кам, турли кишиларда, ҳар хил комиссияларда тарқоқ ахборот мавжудлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тайёрланган бўлишимиз учун биз қаердандир маълумотлар оладиган бўлишимиз жуда муҳим. Бошқа ҳамма нарсалардан ташқари бизда деярли ҳар куни у ёки бу масала хусусида бундай ишлар чет эл парламентларида қандай амалга оширилишини билишни истаётганимизни таъкидлашга тўғри келмоқда. Шу боисдан менда истак бор — илмий тадқиқот институтлари, Фанлар академияси эга бўлган ахборот шу ерда, бизнинг кутубхонамизда йиғилиши керак.

М. С. Горбачев. Бу жуда қимматли таклиф деб ҳисоблайман, уни рўёбга чиқариш керак.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуминнинг қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

1. Марказий Комитет секретарлари Д. Д. Берков, Ш. З. Камолхўжаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов ўртоқларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларининг иши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларининг составлари киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб тасдиқлансин.

3. Пленум шуни қайд этадики, Марказий Комитетнинг XII пленуми тузган комиссияларнинг фаолияти XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг талабларига мувофиқ эмас. Улар ўзларининг диққат-эътиборини партия ташкилотларининг омма ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишини қайта қуришга доир муаммоларни ўрганишга ҳамда тегишли таклифларни ишлаб чиқишга қаратмадилар.

Марказий Комитет комиссияларига ва уларнинг раислари М. Ҳ. Холмуҳамедов, А. С. Ефимов, Д. Д. Берков, М. И. Иброҳимов, Ш. З. Камолхўжаев ўртоқларга (комиссияларнинг аъзолари иштирокида) сайлаб қўйиладиган кўплаб фаоллар ишга жалб этилишлари лозимлигини назарда тутиб, комиссиялар фаолиятининг йўналишларини танқидий қайта кўриб чиқиш топширилсин.

Ҳозирги босқичда партия сиёсатини амалга ошириш учун комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг аниқ мақсадга қаратилган иши таъминлансин.

Партия йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришда иқтисодий, идеология, хўжалик органларининг иши устидан назорат кучайтирилсин, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашилсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига мувофиқ Марказий Комитет комиссияларининг ўз фаолияти турли йўналишларига доир ҳисоботлари ва ахборотлари мунтазам тинглаб турилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари партия комитетлари комиссияларининг ишини кучайтирсинлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуминнинг қарори

КАДРЛАР РЕЗЕРВИ СОСТАВИ ТЎҒРИСИДА

Область, шаҳар, район партия комитетлари фаолларни жалб этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Марказий Комитет XIII пленумида тасдиқланган кадрлар резерви составини яна бир бор танқидий кўриб чиқсинлар. Партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг йиғилишларида резервда кўрсатилган номзодларни муҳокама қилсинлар ва мазкур масала юзасидан ўзларининг таклифларини бир ой муддат ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тақдим этсинлар.

Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими номзодларни республика жамоатчилиги муҳокама қилган чоғда айтилган фикрларни умумлаштирсин ва Марказий Комитетнинг навбатдаги пленумида маълум қилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуминнинг қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ВОҚЕАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТАФСИЛОТЛАРНИ ТЕКШИРУВЧИ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ЯКУНЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАРИ ҲАМДА ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона областидаги фожиали воқеалар тафсилотларини текширувчи комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

«Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг жавобгарлиги тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 1989 йил 20 июлдаги хулосалари маъқуллансин. Содир бўлган воқеа маҳаллий партия ва совет органларининг ташкилотчилик, сиёсий ишидаги жиддий хатоларнинг натижаси деб ҳисоблансин. Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва аввало ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кучайиши хавфига етарли баҳо бермадилар, миллатлараро адоватни келтириб чиқаришга, аҳолининг диний ҳис-туйғуларидан вазиятни кескинлаштириш ва беқарорлаштириш учун фойдаланишга интилаётган қайта қуришга зид миллатчилик кайфиятидаги ва порага сотилган кимсаларга тегишли зарба урмадилар. Турк миллатига мансуб айрим шахсларнинг миллатлараро муносабатларни ва кўчиб кетиш кайфиятларини кучайтириш йўлидаги уринишларига чек қўймадилар.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми кўплаб одам ўлдирилиб, уйларга ўт қўйиш ва уларни алғов-далғов этиш, давлат объектларига ҳужумлар қилиш каби тартибсизликларнинг кўлами ҳамда шафқатсизлигидан чуқур ташвиш ва хавотирлик билдиради, партия, совет ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг оммавий тартибсизликларга чек қўйиш борасидаги сусткашлиги, журъатсизлиги ва саросимага тушиб қолганлигини қоралайди.

Пленум ҳисоблайдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси, Марказий Комитет секретарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети областда кадрлар, социал-иқтисодий, идеология, миллатлараро ва ташкилий соҳаларда етилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида тегишли чораларни кўрмадилар, Фарғона областидаги ишларнинг аҳволи танқиддан холи бўлиб қолганига узоқ вақт мобайнида тоқат қилиб келдилар. Кўпгина партия, совет, хўжалик органлари ҳамда ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари янгича ишлашга батамом ноқобил эканликларини намоён этишганига республика органлари эътибор бермай келдилар, аммо мана шу раҳбарлар юқори лавозимларни эгаллаб келавердилар, бу эса одамларни ҳаққоний равишда ғазаблантирди, партиянинг обрў-эътиборига путур етказилишига олиб келди.

3. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Марказий Комитет комиссиясининг хулосалари асосида ҳар бир область, шаҳар ва районлардаги, меҳнат коллективларидаги маънавий-сиёсий муҳитни таҳлил этиш мажбурияти юклансин. Совет, ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан биргаликда миллатлараро негизидаги тўқнашувларнинг тақрорланиш эҳтимолига барҳам берувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин. Вужудга келувчи муаммоларни осойишта ва амалий вазиятда ўз вақтида ҳал этиш юзасидан сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзоларидан доимий иш олиб борувчи ишчи группалари тузилсин.

4. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда қилган доклади қоидалари ва хулосаларига амал қилиб, ташкилотчилик ҳамда сиёсий иш услуби ва методларини тубдан ўзгартирсинлар, бу ишни омма билан амалий алоқаларга, одамларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини ҳал этишга қаратсинлар. Жамоатчилик фикри муттасил ўрганиб турилсин, одамларга нисбатан бағритошлик билан муносабатда бўлиш, сансалорлик ва бюрократизм ҳолларига, социал адолатсизлик кўринишларига дарҳол ва принципиаллик билан муносабат билдирилсин.

Партия ва совет органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тўла ҳокимиятини тиклашга ниҳоятда муҳим аҳамият берилсин, уларда ишловчи коммунистларнинг партия иқтисодий, социал ва миллий сиёсати роли ўрнида масъулияти оширилсин.

5. Пленум партия комитетларидан, совет, хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг коммунист раҳбарларидан меҳнаткашларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, социал адолатни қарор топтириш юзасидан барча чора-тадбирларни кўришни талаб қилади. Квартиралар, енгил машиналар, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмаларни тақсимлашга доир барча масалалар фақат меҳнат коллективлари ва жамоатчилик томонидан ошкоралик ва демократия асосида ҳал этилиши керак. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилаш учун ишчи назорати ҳўқуқлари ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозим.

6. Кадрлар ишининг услуб ва методлари коллектив раҳбарликка, ташаббус ва мустақилликка, топширилган иш учун юксак даражада жавобгарликка, ишни ҳар томонлама билишга асосланиши учун кадрларни оқилона жой-жойига қўйиш демократик механизм орқали таъминланиши партия комитетларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблансин. Кадрларни танлашга анкета — номенклатура йўли билан ёндашишга қатъиян чек қўйилсин. Номзодларни юқори лавозимларга кўтариш меҳнат коллективларида ошкора, кенг муҳокама қилиш ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилсин. Лавозимлар бир қанча номзодлар кўрсатилиб, конкурс асосида тайинлансин. Партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари аппаратига ходимлар характеристикалар албатта тасдиқланиб ва эгалланган лавозимидан чиқариб олиш ҳўқуқи билан бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг тавсияларига кўра кўрсатилиши қоида қилиб қўйилсин.

Кадрлар фаолияти назорати кучайтирилсин, уларнинг ишига баҳо беришга кўнгилчанлик қилмай, принципиал ёндашилсин, хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ва хўжасизликка қарши курашда сусткашликка йўл қўйилмасин.

7. Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қуйидагиларни топширади:

Меҳнат ресурсларидан, моддий ва молиявий ресурслардан янада тўлароқ фойдаланиш, жамиятнинг ақлий ва маънавий қудратини бутун чоралар билан кучайтириш мақсадида республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг 1991—1995 йилларга мўлжалланган программаси чуқур ва танқидий таҳлил этилсин;

Республикани регионал хўжалик ҳисобига ва жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга раҳбарликнинг иқтисодий методларига ўтказишни жадаллаштириш, хўжалик ва маданий қурилиш муаммоларини ҳал этишда республиканинг ҳўқуқларидан самарали фойдаланиш ва унинг масъулиятини оширишга доир шошилинч тадбирлар кўрилсин;

Қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг даромадларини кўпайтириш, агросаноат комплекси самарадорлигини оширишнинг моддий омилларини вужудга келтириш ҳамда республиканинг молиявий аҳволини яхшилаш учун пахта, жун, қоракўл, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг харид нархларини ошириш юзасидан Иттифоқ органлари билан олиб борилаётган ишлар давом эттирилсин;

Республикада меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини кўпайтириш, ишсизликни, айниқса ёшлар ўртасидаги ишсизликни бартараф этишга қатъий куч-ғайрат сарфлансин. Шу мақсадда 1989 йилнинг 1 октябрига қадар янги иш жойларини яратиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан фақат иш билан таъминлашни эмас, шу билан бирга ишга муҳтожларни қатъий ҳисобга олишни жорий этишни, иш билан таъминлаш ҳамда ишчи ихтисосларини олишнинг аниқ муддатларини белгилашни кўзда тутувчи 1990—1991 йилларга мўлжалланган республика программаси ишлаб чиқилсин;

Областларни, министрликлар ва идораларни социал-иқтисодий ривожлантириш планлари, хусусан уй-жойлар, социал-маданий соҳа объектлари қуриш, халқ учун товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилиши устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш юзасидан пухта ўйланган система жорий этилсин. Экология жиҳатидан соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, республика областлари ва регионларидаги экология вазиятига салбий таъсир ўтказаётган корхоналарнинг соҳасини ўзгартиришга доир программаларни бажаришда қатъий йўл амалга оширилсин;

Томорқа участкалари ва якка тартибда уй-жой қурилиши учун колхозчиларга, ишчи ва хизматчиларга ерлар монесиз ажратиб берилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин. Шу мақсадда ошкоралик ва демократиялаш вазиятидан кенг фойдаланилсин, жамоатчилик кўплаб жалб этилсин.

8. Республика прокуратураси, Ички ишлар министрлиги, Адлия министрлиги ва Олий суди Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар тўғрисидаги жиноий ишлар оператив равишда ва малакали тергов қилиниб, судда кўриб чиқилишини таъминласинлар. Мана шу тартибсизликларни уюштириш ва ижро этишга дахлдор барча шахслар жавобгарликка тортилсин. Тергов ва суд натижалари тўғрисида республика аҳолисининг кенг кўламда хабардор қилинишини таъминласин.

Республиканинг ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари жуда қисқа муддат ичида республикадаги маънавий-руҳий вазиятни соғломлаштириш, жамоат тартибини ўрнатиш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, талон-торожлик, порахўрлик, суистеъмолчилик каби ва бошқа жиноятларнинг ғаразли турларига қарши курашдаги ишларни кучайтириш чораларини кўрсинлар.

9. Пленум меҳнат ва ўқув коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришни кескин кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳозирги шароитда омма ўртасидаги сиёсий иш масалалари билан идеология кадрларигина эмас, балки барча партия, совет, хўжалик ходимлари ҳам шуғулланишлари шарт. Улар одамларни ишонтира билишлари, ўзларига эргаштира олишлари, омма билан дадил мулоқот қилиб, норозилик кўринишлар ҳамда можароли вазиятларнинг илдизларини чуқур ва эътибор билан билиб олишлари, меҳнаткашлар кўтараётган масалаларни конкрет ва оператив равишда ҳал қилишлари лозим. Бутун партиявий-сиёсий фаолиятда шунга амал қилинсинки, одамларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида машаққатли ишни кучайтирмай туриб, республика олдида турган мураккаб социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

10. Миллатлараро муносабатларни соғломлаштиришга оид чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш партия комитетларининг, совет органлари, жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин. Ҳар қандай миллатчилик кўринишларига қатъиян қаршилик кўрсатилсин, миллатлараро адоватни авж олдириш, тўқнашувларни жўрттага келтириб чиқариш йўлидаги уринишларга чаққонлик билан чек қўйилсин, шу мақсадда қонун ва афкор омма кучидан фойдаланилсин. Ғаразли, тор худбинлик мақсадида миллатлараро ихтилофлардан фойдаланишга интилаётган кимсаларга нисбатан муросасизлик вазияти яратилсин. Бундай хулқ-атвор КПСС аъзолигига хилоф деб ҳисоблансин.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг социал-иқтисодий ҳамда маънавий тараққиёти, эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар таъминлансин. Жуда қисқа муддат ичида талаб-эҳтиёжлар ўрганиб чиқилиб, маданий марказлар барпо этиш, турли миллий гуруҳларнинг тилларида ўқитиладиган мактаблар, синфлар, болалар боғчаларини кўпайтириш, тегишли адабиёт, газеталарни нашр этиш масалалари ҳал қилинсин.

11. Пленум қайта қуриш жараёнида республикада динга муносабатнинг ленинча нормаларини тиклаш, ана шу соҳада тақиқловчи буйруқбозлик чораларидан воз кечишга оид тадбирлар амалга оширилишини қайд этади. Диндорлар билан ўзаро муносабатларда демократиялаш йўлини давом эттириш, айни пайтда диний экстремизм ва ақоидчиликка қаршилик кўрсатилишини йўлга қўйиш лозим бўлган кадрлар ва активларнинг динга нисбатан тилёғламалик қилишга ҳар қандай уринишларига, принципсизлик ва фаолиятсизлигига қатъиян барҳам бериш зарур.

Область, шаҳар, район партия комитетлари жойларда вужудга келаётган диний вазиятни, атеистик пропагандининг аҳволини чуқур таҳлил этиб, одамлар билан якка тартибда олиб бориладиган ишларни кучайтиришга, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб, мавжуд камчиликлар ва четга чиқишларга барҳам бериш юзасидан шошилинч чоралар кўрсинлар. Хаттиҳаракатлари КПСС Уставига зид бўлган коммунистларга нисбатан алоҳида талабчанлик қилинсин.

12. Фарғонадаги воқеалардан кейин республикадан кетиб қолган месхети туркларининг бу ерга қайтиб келишлари, азият чеккан ҳамма кишиларга етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши учун барча зарур шарт-шароит яратиш партия, совет ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда ҳар қандай миллатга мансуб кишилар осойишта яшашлари ва меҳнат қилишлари учун имкони бўлган барча чораларни кўриш зарур. Совет халқларининг тақдири ҳам, йўли ҳам битта. Пленум республиканинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, ҳозирги ва келгуси давр олдида ғоят юксак масъулият кўрсатишга, миллатлараро муносабатларда ва республиканинг социал-иқтисодий ривожланишида тўпланиб қолган муаммоларни дўстлик ва ҳамкорлик асосида ҳал этиш учун барча ишларни қилишга чақиради.

МУАММОЛАР ЖОЙЛАРДА ВА МАРКАЗДА ҲАЛ ЭТИЛСИН

(Давоми. Бошн 1-бетда).

қаерга мурожаат қилмайлик, ҳеч қаерда адолатга эриша олмаяпмиз». Мана шу хатларда одамларнинг юраги эзилиб кетганлиги намоён бўлмоқда, бунинг устига кўпинча: «Бизда совет ҳокимияти борми ўзи ёки йўқми,»— деган савол беришмоқда.

Аччиқ савол бу, ўткир савол. Аммо, унга амалий ишлар билан жавоб қайтармаслик — иш ташлашлар, стачкалар, намойишлар учун замин ҳозирлаш демакдир.

Кенгашда айни шу позицияларда туриб фикрлашиб олинди. Бу кенгаш одатдаги кенгашларга ўхшамади: ҳеч ким катта доклад қилмади, залдагилар нотиқларнинг ўзи тўғрисидаги ҳисоботларни қабул қилишмади. Ўзини кўрсатиш мақсадида нутқ сўзлаш ўйлидаги уринишларга чек қўйилди. Бажарилган ишларни сергаклик билан аниқ-пухта таҳлил этиш, номаълум келгусида эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ корхоналарда меҳнат шароитини яхшилаш учун, социал шароитларни яхшилаш учун кўрилиш лозим бўлган чора-тадбирлар кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Зарафшондаги корхоналарнинг раҳбарлари қарийб иш ташлаш вазиятига дуч келдилар. Зарафшон марказий руда бошқармасининг директори Г. Прохоренко айтганидек, бу ерда забастовка комитети тузилган, меҳнаткашларнинг талаблари тайёрланаётган эди. Бу талаблар асосан меҳнатга, айниқса, тунги меҳнатга ҳақ тўлаш муаммоларига, камёб молларга жорий этилган талонларнинг бекор қилинишига, ишчилар учун баъзи имтиёзлар берилишига, пенсия таъминотини такомиллаштиришга дахлдор эди. Норасмий бирлашмаларнинг ташаббуси билан чақирилган меҳнат коллективлари вакилларининг конференцияси тўрт соатдан кўпроқ давом этди. Корхоналарнинг раҳбарлари, партия ходимлари, маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари шарафига шуни айтиш керакки, улар мазкур конференциянинг ишида қатнашишдан бўйин товламадилар, буларнинг ҳаммаси нима билан тугашини кутиб турмадилар. Аксинча, ўша Прохоренконинг ўзи забастовка комитети составига кириб, меҳнаткашларнинг барча қонуний талаблари бутун халқ олдида муҳокама этилиб, ижрога қабул қилиниши учун кўп куч-ғайрат сарфлади. Шу пайт шаҳар партия комитетининг ходимлари, шаҳар Советининг депутатлари ҳам фаол мулоқот олиб бордилар. Куч-ғайратларни бирлаштириб забастовкаларсиз ҳам ҳамжиҳатликка эришишга муваффақ бўлинди. Эндиликда қўйилган талаблар ҳозирдаёқ бажарилди ёки ҳал бўлиш арафасида турибди.

Маржонбулоқ олтин қазиб чиқариш корхонсида эса вазиятни уддалай олишмади. «Зармитон» руда конида банк маош тўлашни кечиктиргани муносабати билан иш тўхтатиб қўйилди. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу ерда маош тўлаш муддатлари биринчи марта «орқага сурилаётгани» йўқ. Банк «сўм билан назорат» қилишни ўзбошимчалик билан кучайтира бошлайди, ваҳоланки, корхона счётида пул бўлсада, у ана шу пулларни ололмайди. Ҳеч шубҳасиз назорат қилиш керак, албатта лекин назорат қандай бўлиши лозим? Ишчилар азият чекадиган назоратнинг нима ҳожати бор?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов кенгашда сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилигига шундай савол берди: «Ҳом ашё билан ҳаддан ташқари ёмон таъминланилаётгани, моддий маблағлар етишмаслиги, меҳнатнинг ёмон ташкил этилиши сабаблн рўй бераётган бекор туриб қолишларда ишчилар синфи айбдорми?». Раҳбарлар: йўқ, айбдор эмас, деб бир хилда жавоб қайтаришди. Аммо, уларнинг деярли ҳеч қайсиси шу саволнинг мантиқий давомига, яъни ундай бўлса ким айбдор, деган саволга жавоб қайтара олмади. Бунда гап гражданча мардликнинг етишмаслигида деб ўйламайман, чунки, айбни зиммага олишга тўғри келган бўлур эди. Бунинг сабаблари чуқурроқ — корхоналар раҳбарлари даражасидаги эмас, балки фармойиш берувчи олий ҳокимият поғоналарида, энг юқори планлаштирувчи идораларда ҳам фикрлашни ўзгартириш, эскича иш усулларига барҳам бериш керак. Декрет ёки фармон билан корхонани мустақил, деб эълон қилиш уни амалда мустақил корхонага айлантиришни асло билдирмайди. Ҳозирги практика ҳам буни тасдиқлаб турибди, чунки, министрликлар ва идоралар коллективларга ишлаб топилган маблағларни тасарруф этиш имкониятини бермай, завод ва фабрикаларнинг даромадларини том маънода талон-тарож қилмоқдалар, планлаштирувчи ташкилотлар эса яна топшириқларни реал шарт-шароитларни эътиборга олмай, тузмоқдалар. Кенгаш қатнашчилари шу ҳақда рўйрост гапириб, мукаммал бўлмасада, лоақал амалдаги қонун актлари ва норматив қарорларга аниқ риоя этилишини талаб қилдилар.

Масалан, Самарқанд химия заводи директори В. Коряков нутқининг моҳияти ни олиб кўрайлик. Ишлаб чиқариш, технология интизомини, истасангиз, давлат интизомини ишлаб чиқариш коллективларидагина эмас, шу билан бирга корхона директоридан бошлаб то юқори даражаларгача мустаҳкамлаш зарур. Шундай қилинмаса қайта қуриш барбод бўлади. Ҳозирча эса интизом шу таҳлидда мустаҳкамланаётгани йўқ. Завод ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг энг муҳим қисмларидан бири — оҳак йўқлиги сабабли бекор туриб қолишига қандай қилиб йўл қўйиш мумкин? Бундай ҳоллар эса жуда тез-тез содир бўлиб турарди, биз бормаган жой, эшик қоқмаган идора қолмади, лекин бундан ҳеч қандай наф чиққани йўқ. Сменага келган ва бекамуқўст меҳнат қилишга, пул ишлаб топишга тайёр бўлган одамларга нима деб айтишимиз керак? Ёки яна бир нарсани олиб кўринг, биз меҳнат коллективида ҳар томонлама муҳокамадан сўнг корхонамизнинг иш режимини ўзгартириш зарур — саккиз соатлик сменалар ўрнига ўн икки соатлик иш кунига ўтиш зарур, деган хулосага келдик. Буни бошқа барча корхоналарга тавсия этмай, биз ўз корхонамизда шундай режим энг мақбул вариант эканлигини биргаликда ҳисоблаб чиқдик: одамларнинг тунда камроқ ишлашларига тўғри келади, сменалар ўртасида дам олиш вақти узоқроқ бўлади. Бунинг нафли эканлигини ҳаммага исботласак ҳам республика тармоқ касаба союз комитетига исботлай олмадик. Бу комитет ишчиларнинг манфаатларини батамом ҳимоя қилиши керак. Бу ердагилар кўп йил муқаддам ёзилган инструкцияларнинг ҳарфига ёпишиб олиб, ўзгарган вазиятни тушинишни, меҳнат коллективининг ташаббусини қўллаб-қувватлашни истамаяптилар.

Самарқанд область партия комитетининг саноат масалалари билан шуғулланувчи секретари М. Умаровнинг эзтироф этишича, обкомнинг ушбу муаммо хусусида ўз позицияси йўқ, чунки завод коллективининг таклифлари бу ерда ўрганилмаган ва муҳокама қилинмаган. Мана шундай «йўқ»лар занжири ишчиларнинг гарчи «юқори» бўлсада, лекин ёнма-ён жойлашган, бугунги кунда ҳокимият бериб қўйилган ташкилотларнинг ёрдамига умид боғламай қўйишларига олиб келиши мумкинлиги аниқ.

Эндиликда одамларнинг манфаатлари ва талаб-эҳтиёжлари билан ҳисоблашмаслик — вазиятни кескинлаштиришга олиб борадиган позициядир, ваҳоланки, республиканинг кўпгина корхоналарида вазият бусиз ҳам анча мураккабдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги кенгашда сўзланган барча нутқларда мана шу асосий фикр билдирилди. Бирлашмалар, заводлар ва фабрикаларнинг раҳбарлари мана шуларнинг ҳаммасида ўзларининг ролини қандай тушинаётганликлари бошқа гап. Афсуски, баъзилар одамларни ишга ва ишдан уйга бепул эҳтиб қўйишни ташкил этиш билан меҳнаткашларнинг барча истакларини адо этдик, деб ўйлашади. Бошқалари эса ётоқхоналарнинг етишмаслиги, уй-жой олишга навбат кутиб турганларнинг кўплиги тўғрисидаги масалани кўтариб, одатга кўра, президиумга назар ташлаб: «бу масалада Марказий Комитет бизга ёрдам беришига умид қиламиз...» дейишар ва бунда вужудга келган муаммони бирон даражада бўлсада ҳал этиш учун корхонанинг ўзида қандай резервлар изланаётгани тўғрисида бир оғиз ҳам гап айтишмайди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Алимбоевнинг нутқи бундай кайфиятларга мутлақо зид бўлиб янгради. Бугунги кунда раҳбар «олма пиш оғзимга туш» деб кутиб ўтирмасдан, балки ҳозирги пайтда ҳам зўр самарадорлик билан ишлай оладиган, истиқбол тўғрисида, эртанги кун ҳақида ўйлайдиган ташаббускор, сергайрат, ишчан кишиларни излаб топиши керак. Бундай кишилар кўп, фақат уларга ҳамиша ҳам имконият бериб қўйилмаган, уларга ҳаракат эркинлиги етишмайди. Турғунлик йиллари ҳамманинг ҳам ташаббусини бўғиб қўяолмади. Яхшироқ иш натижаларидан ҳамма манфаатдор бўлгани ҳолда ҳар бир меҳнатчига ташаббус ва ижодкорлик учун кўпроқ имконият бериш лозим, ана шунда кўпгина ўткир муаммоларни кун тартибдан олиб ташлаш мумкин бўлади.

Тошкентдаги «Совпластитал» Совет-Италия бирлашмасининг коллективи ҳозир айни мана шундай принциплар асосида ҳаракат қилмоқда. Жуда яхши жиҳозланган маиший хоналар, маиший хизматлар комплекси, уй-жойга ниҳоятда муҳтож бўлганларнинг йўқлиги меҳнатни аниқ-пухта ташкил этиш, одамларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг тобора янги-янги шаклларини қидириб топиш билан уйғунлашиб кетганлиги бошқа корхоналар олдида турган кўпгина ўткир муаммолар бу ерда аллақачон ҳал этилишига олиб келмоқда. Бу эса ривожланиш истиқболларига, эртанги кун учун пойдевор ҳозирлашга кўпроқ эътиборни қаратиш имконини бермоқда. Келгусида коллектив ишлаб топган социал неъматлар улуши анча ортади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда кўпгина чинакамига долзарб масалалар тилга олинди. Шулардан бири — кооперативларга муносабат масаласи эди. Республика меҳнаткашлари, аҳолиси ўртасида кооперативлар ҳақидаги фикрлар ғоят хилма хил эканлиги сир эмас. Аммо, савдо-харид кооперативлари деб аталмиш, яъни айтайлик, давлат магазинларида ип-газлама майкаларни давлат нархларида сотиб олиб, уларга расм ва ёзувлар туширишдан, иккиучдан баравар юқори нархларда аҳолига сотаётган кооперативларнинг фаолияти ҳаммани ғазаблантирмоқда. Жуда ҳайрон қоларли жойи шундаки, бундай кооперативларни давлат қўллаб-қувватламоқда: ўтган йилнинг ўзидагина улар банклардан саксон миллион сўмдан кўпроқ қарз ва ссуда олишди. Айни вақтда энг муҳим муаммолардан бири — якка тартибдаги уй-жой қурилишига ўн бир миллион сўмга яқин кредит ажратиб берилди, холос. Шундай шароитда қандай социал адолат тўғрисида гапириш мумкин?

Ўзбекистон давлат банки правленияси раисининг биринчи ўринбосари Р. Паттоҳов ҳозир бундай хатолар тузатилаётганини таъкидлади. Аммо, қандай қилиб шундай хатоларга йўл қўйилганлигини тушунтириб беролмади. Афтидан, кампаниябозлик одати ўз ролини ўйнаган бўлса керак: «Кооперативларни ривожлантирайлик!» деган шиор ташланиши билан ҳеч қорчалонлар учун банкларнинг эшиклари ланг очиб қўйилди. Ҳозир эса ссуда олганларнинг ҳаммаси ҳам уларни қайтармоқчи эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. Баъзилар жуфтакни ростлаб қолишган бўлиб, уларни иттифоқ миқёсида қидирув эълон қилинган. Кўплари эса ишлаб чиқаришни йўлга қўя олишмади, улар яна қарз олишса бўларди-ю, лекин уни ким ҳам берарди. Яна ўзини оқлаш учун айтилаётган гаплар эшитилмоқда: хатога йўл қўйилди, ишни ўнглаб олиш керак, дейилмоқда. Ҳозирча эса фақат зарар кўрилмоқда...

Кенгашда рўй-рост ва ҳалол гап борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети меҳнаткашларнинг қонуний талабларини тушуниб, қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг қайта қуришни янада қатъийлик билан олиб бориш, меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтириш йўлидаги бюрократик тўсиқларга барҳам бериш муддаосига тўла англаб муносабатда бўладилар, туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш, ошкоралик жараёнини янада ривожлантириш учун курашаётган барча кучларни энг кўп даражада бирлаштиришни зарур, деб ҳисоблайдилар.

Кенгаш иқтисодий фаолиятни ва жамоат турмушини изидан чиқарадиган номақбул ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этади:

Область, шаҳар, район партия комитетлари, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари бир ой муддат ичида ҳар бир меҳнат коллективида долзарб иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этиш учун шошилинч чоралар кўришни назарда тутиб ҳамда корхоналар ва ташкилотларга берилган ҳуқуқлардан энг кўп даражада фойдаланиб, у ердаги ишларнинг аҳволини ғоят пухта ўрганиб чиқсинлар. Жойлардаги раҳбарларнинг вазифасига кирувчи масалалар ҳал этилиши учун уларнинг масъулияти оширилсин.

Шу мақсадда барча бошланғич партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишлари ўтказилсин ҳамда меҳнат коллективларига партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш ва коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилсин.

Одамларни ғоят тўлқинлантираётган атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экология вазиятига салбий таъсир кўрсатаётган корхоналар ихтисосини ўзгартириш, адолатли нархлар, таъриф-лар белгилаш, иш ҳақини, тунги меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш, ишчилар ва хизматчиларни коржомалар билан таъминлаш, уларнинг овқатланишини, уларга транспорт, медицина хизматини ташкил этиш, ишлаб чиқаришда ҳам, шунингдек ётоқхоналарда ҳам маиший шароитни яхшилаш масалалари кўриб чиқилсин.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, ёлғиз оналар ва аҳолининг бошқа категориялари давлат уларга берган имтиёзлардан ҳар қандай тўсиқларсиз фойдаланишлари учун масалалар диққат билан таҳлил этилсин ва чора кўрилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон касаба союзлари республика Кенгаши билан биргаликда 1990 йилнинг 1 январигача ғоят таҳчил товарлар ва хизматларни тақсимлашда социал-адолатни таъминловчи янги тартибни ишлаб чиқсин. Булар квартиралар, енгил автомашиналар, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмаларни, гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, чорва озуқасини тақсимлаш, оилавий фермалар ташкил этиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратишдан иборат.

Тегишли органлар сайловчиларнинг СССР халқ депутатларига сайлов кампанияси чоғида берган наказларини пухта ва ҳар томонлама таҳлил этишлари, наказлар сўзсиз бажарилиши учун чоралар кўришлари зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоларини, СССР халқ депутатларини, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатларини, министрликлар ва идоралар-нинг раҳбарларини жойлардаги вазиятни ўрганиш, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш, мазкур кенгаш тавсиялари бажарилишини контроль қилиш учун меҳнат коллективларига юбориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгаши ишчилар назорати комиссияларининг фаолиятини активлаштириши, уларнинг куч-ғайратларини ғоят таҳчил товарлар ва хизматларни тақсимлашнинг янги қоидаларига қатъий риоя этишга қаратиши зарур. Аҳолига савдо ва маиший хизматни бутун чоралар билан яхшилаш учун ишчилар назоратининг ҳуқуқ ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозим. Касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқ ва вазифаларидан фойдаланиб, коллектив шартномалар рўёбга чиқарилиши устидан назоратни кучайтиришлари, корхоналар ва ташкилотлар маъмуриятининг қатъиятсизлиги, бепарволиги натижасида можароли вазиятлар ва меҳнат низолари чиқишининг қатъийян олдини олишлари керак. Касаба союз комитетлари, меҳнат коллективлари кенгашлари, меҳнат низолари билан шуғулланувчи комиссия ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали меҳнаткашларни социал-иқтисодий масалаларга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришга фаол жалб этиш даркор. Меҳнаткашлар билан биргаликда меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашнинг, техника хавфсизлиги қоидаларига, меҳнаткашларнинг бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этишнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинсин ва уларни рўёбга чиқариш учун ғоят тўла-тўкис шароит яратилиб, ҳал этиш йўллари қидириб топилсин.

Халқ депутатлари область шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, кооперативлар фаолиятини пухта таҳлил этиб, шулар орасидан ишлаб чиқариш учун сарфланаётган реал харажатларга мос нархда товар ишлаб чиқараётган ва хизмат кўрсатаётган кооперативлар ишини ҳар томонлама рағбатлантириб уларни ривожлантириш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб берсинлар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат нархларини асоссиз равишда ошираётган ва аҳолининг ўринли норозилигига сабаб бўлаётган чайқовчи кайфиятидаги кооперативларга нисбатан конкрет чоралар кўрилсин. Бу ишга жамоатчилик, депутатлар группалари жалб этилиб, улар у ёки бу кооперативнинг фаолияти қай даражада фойдали эканлигини аниқласинлар.

Республика министрликлари ва идоралари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда зарар келтираётган ёки кам рентабелли ҳар бир корхона, колхоз, совхоз, ташкилот фаолиятини таҳлил этиб, улар ишини яхшилаш ёки уларни тугатиш ёхуд меҳнат коллективига ижарага бериш чораларини кўрсинлар.

Меҳнаткашларга ўз вақтида иш ҳақи берилиши учун республика банклари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлиги оширилсин.

Ўзбекистон ССР прокуратурасига, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигига, Ўзбекистон ССР адлия министрлигига, Ўзбекистон ССР Олий судига, Ўзбекистон ССР давлат арбитражига, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетига, Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Кенгашига план ва шартнома интизоми бузилишининг олдини олиш унга йўл қўймаслик ва бундай ҳолларни ҳуқуқий воситалар билан бартараф этишга оид биргаликдаги ишларни мувофиқлаштириши яхшилаш ва самарадорлигини ошириш тавсия этилсин. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ғоят муваффақиятли амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, уларнинг ихтиёридаги мавжуд ҳуқуқий омиллардан энг кўп даражада фойдаланилсин.

1989 йилнинг иккинчи ярмида республика аҳолисининг ялпи ҳуқуқий ўқувининг аниқ системасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин. Меҳнаткашларда ҳуқуқлар ва бурчлар бирлигини чуқур англашни, совет қонунларини ҳурмат қилишни шакллантириш мазкур ўқувнинг асосий вазифасидир. Бу соҳада куч-ғайратларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон ССР адлия министрлиги зиммасига юклатилсин.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари СССР Олий Советининг совет халқига Мурожаатномаси хусусида меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишларини авж олдиришлари, фаолиятсизликни турли сабаблар билан ниқоблашга уринишларга қатъиян қарши курашишлари, мавжуд қийинчиликларни рўкач қилишга уринаётган сафсаталарга, бузғунчиларга зарба беришлари зарур. Саросимага ва тартибсизликка йўл қўйилмасин. Зўр куч-ғайрат билан, рўй-рост ва ошкора иш кўрилсин. Ҳар бир коллективда социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий вазиятни яхшилаш сари қатъият билан иш олиб борилсин.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Х. Алимова, И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков иштирок этдилар.

В. ГЛАДИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов республика касаба союзларининг раҳбарлари билан учрашди.

Меҳнаткашларнинг ўзлигини англаши шиддат билан ўсиб бораётган шароитда ана шу жамоат ташкилотларининг, уларнинг раҳбарларининг тутган ўрни тўғрисида амалий, принципиал гаплашиб олинди. Мамлакатда (Кузбасс, Донбасс, Қараганда, бошқа регионларда) юз берган сўнгги воқеалар ишчиларнинг ҳуқуқлари на совет ҳокимияти органларида, на касаба союзларида ҳимоя қилинмаганидан кейин улар сўнгги чорани кўришга — иш ташлашга мажбур бўлаётганликларини кўрсатди, Ўзбекистондаги бир қанча корхоналарда ҳам иш ташлаш ҳоллари бўлди. Булар жиддий сигнал бўлиб, эътибор бермаслик мумкин эмас. Мамлакатда қайта қуриш давом этаётган ҳозирги пайтда касаба союзларнинг вазифаси — ўзининг бевосита вазифаларини бажаришда, яъни меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ мустақиллик, ташаббускорлик, принципиаллик, дадиллик кўрсатишдан иборат.

Касаба союз раҳбарлари ўз нутқларида ҳозирча касаба союз органлари ишида камчиликлар кўп деган фикрга қўшилдилар. Қуйи бўғинларда касаба союз комитетларининг раислари ёппасига ва ҳамиша маъмуриятнинг измидан чиқмай, уларнинг кўрсатмаларини бажармоқдалар, ўзларини ким ва нима учун сайлаб қўйганлигини унутиб қўймоқдалар. Бу ўринда касаба союз активларининг юридик жиҳатдан ҳимоя қилинмаганлиги ҳам таъсир этмоқда. Чунки сайлаб қўйилган ваколат муддати ўтганидан кейин уларнинг кўпларининг иш қидиришларига, директор ёки бошқа бошлиқнинг ҳайрихоҳлигига умид қилишларига тўғри келади. Бундай вазиятда уларнинг кўплари можародан қочишга уринмоқдалар. Келишувчилик позицияси одатда ишчилар ҳуқуқларининг камситилишига олиб боради.

Касаба союзлари Сирдарё область Советининг раиси И. Х. Хушиев, Самарқанд область Советининг раиси М. Б. Шодиева ва бошқалар бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳали ҳам касаба союзларнинг талаблари ва қарорларини менсимаётганликларини айтдилар. Партия комитетлари касаба союзларига конкрет ва амалий ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлаши зарурлиги таъкидланди.

Ҳозир касаба союз ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ўтмоқда. Бу сиёсий кампания республикадаги энг кўп сонли жамоат ташкилоти учун жиддий кўрик бўлиши лозим. Уларнинг бундан кейинги фаолияти, касаба союз ташкилотларининг воқеадан орқада қолиш ёки омманинг ташкилотчилари бўлиши касаба союз комитетларига, группаларига кимлар бошчилик қилишига боғлиқ. Баландпарвоз гаплар ва силлиқ ёзилган қарорлар даври ўтиб кетди. Меҳнаткашлар ўз касаба союз раҳбарларидан социал, маиший муаммоларни ҳал қилишда, меҳнатни муҳофаза қилишда конкрет ишларни кутмоқдалар. Ана шундагина иш ташлаш комитетларини сайлашга зарурат қолмайди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Узсовпроф раиси Ҳ. Алимова нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

● Турли миш-мишлар туфайли «Огонёк» совхозида истиқомат қиладиган баъзи турк оилалари кўчиб кетган эдилар. Энди улар яна ўз хонадонларига қайтиб келиб, бошқа миллат вакиллари қаторн тинч меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: совхоз директорининг ўринбосари Акром Файзиев Пошшоали Бекалиев оиласи аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

М. НАЗАРОВ сурати.

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бекобод районида фольклор-этнографик ансамбларнинг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Унда ўзбек, қозоқ ва корейс халқларининг энг қадимий лапар, достон ва ўланлари янгради.

— Бу конкурсни ўтказишдан мақсад, — дейди район маданият бўлими мудири О. Тўйчиева,— энг яхши фольклор-этнографик ансамбларни аниқлаш, улар репертуарларини ўрганиш ва оммалаштиришдан иборатдир. Ҳозирги кунда бундай ансамбллар сони кўлайиб бормоқда. Улардан саккизтаси кўрикда иштирок этяпти.

Қизиқарли ва сермазмун ўтган бу тадбирда «Далварзин» совхозининг «Сўзана», Навоий номли колхозининг «Шодиёна» ансамбллари ғолиб деб топилдилар. Улар ижро этган «Хой бола», «Нозигим», «Очил» лапарлари, «Ёр-ёр» ҳамда «Келин салом» композицияларн йиғилганларга айниқса манзур бўлди. Энг муҳими улар яқин кунларда ўтказиладиган район фольклор-этнографик санъати байрамида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Р. СОДИҚБЕКОВА.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

АҲВОЛ ЎЗГАРМАДИ

ЭЪТИРОЗ

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Биз Ўрта Чирчиқ район, Охунбобоев номли колхознинг 8-бригадасида истиқомат қиламиз. Бундан икки йил олдин газетангиз «Қийшайган симёғочлар» сарлавҳаси билан шикоят хатимизни босиб чиқарганди. Ўшандан кейин район электр тармоғининг раҳбарлари ҳаракатга тушиб, хатда айтилган камчиликларни тузатишди, симёғочларни янгисига алмаштиришди. Лекин электр симлари янги ўрнатилган шохобча (киоска)ларга уланмагани учун аҳвол ўзгармай қолаверди. Эскилари эса яроқсиз. Ҳозир қишлоқдаги юздан ошиқ хонадон чироқсиз ўтирибди.

Район электр тармоғи раҳбарларининг фақат ваъда эмас, амалий ёрдам беришларини истардик.

А. БОБОТОЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

МУРОЖААТНОМА

Биз, интернационал-жангчиларнинг оналари кўп миллатли республикамизнинг барча аёлларига мурожаат қиламиз. Миллий низоларнинг кучайишига йўл қўймай, асрлар бўйи қарор топган инсонпарварлик, одамохунлик, меҳмондўстлик, донолик, катталарга ҳурмат ва эҳтиром каби халқимизга хос бўлган анъаналарни сақлаб қолайлик.

Фарғона воқеалари оналар қалбини ларзага солди. Инсон қони тўкилди, минглаб кишилар бошпанасиз қолди. Айниқса болаларнинг кўзларига қаранг — бу кўзлар қанчалик қайғули ва аламли, улар азоб ва уқубатлардан сақлаб қололмаган катталарга таъна билан назар ташлайди.

Кекса авлод Улуғ Ватан урушининг даҳшатли фожиаларини унутганича йўқ. Афғон юртидан қайтган жангчи ўғлонларимизнинг қонли яралари ҳам ҳали битмаган, жанг майдонларидан омон қайтмаган солдат оналарининг кўз ёшлари ҳам тинганича йўқ.

Шундай экан, тинч шароитда ўз ўғлонидан ажралишига йўл қўйиб, чидаб туриш мумкин-ми?

Меҳри дарё оналар, опа-сингиллар ва дугоналар!

Ўзимизнинг қалб сўзимиз, ақлу идрокимиз билан ёшларни ножўя хатти-ҳаракатлардан сақлаб қолайлик. Ахир, бундай бебошликлар туфайли улар ўз умрларини бевақт ҳазон қилишлари мумкин-ку.

М. С. Горбачевнинг совет халқига қилган Мурожаати ўз вақтида қуйидагича жаранглади: «ҳозирги авлод ва бўлажак насллар шу йўлга бошлаган кимсаларни ҳам, ўз вақтида огоҳлантириб, тентакликдан қайтармаганларни ҳам лаънатлайдилар».

Аёл истаса ечилмайдиган жумбоқ, қасд қилса қуламайдиган тоғ йўқ. Бағри кенг бувижонлар, меҳридарё онажонлар, суюкли келинлар ва дилбар қизлар, дугоналар, сингилжонлар! Юртимиз осойишталиги, номимиз поклиги, қувончимиз мукаммаллиги йўлида бугун ҳар биримиз ўз қўлингиздан келадиган ҳиссангизни қўшасиз деб умид қиламиз. Миллатлараро муаммоларни тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик асосида ҳал этайлик! Қон-қариндошлик ва ўзаро ҳурматнинг қадрига етайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси биз муштипар оналарнинг ҳам қалбидан чуқур жой олди. Даъватномадаги «Дўстлик ва қардошлик тақдири бутун ўз қўлимизда. Арғамчига қил қувват дейдилар. Дўстлигимиз ипи узилмасин, қаердаки унинг битта-яримта чоки сўкилган бўлса, унинг ўрнини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик. Буни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақти келди» деган сатрлар миллионлаб серқуёш диёримиз кишиларининг қалб нидосидир. Миллий муносабатлар кескин тус олган шу масъулиятли, синов дамларида биз барчангизни ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратингизни сафарбар этишга, фидокорона меҳнатингиз билан кўп миллатли иттифоқимиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга даъват этамиз. Ота-боболаримиз удумига амал қилайлик. Юракни гина-кудурат ва адоват юкидан ҳалос этайлик, фақат яхшилик уруғи унсин. Энг бебаҳо бойлик — дўстлигимизни асрайлик!

Ушбу Мурожаатнома интернационал—жангчилар оналарининг республика учрашувида қабул қилинган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар Сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 04261. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б.—1655. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12